**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**
**ТОШКЕНТ КИМЁ ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**«Касб таълими» кафедраси**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
Ўқув ишлари бўйича ректор муовини
____________ проф. Р.Р.Сайфутдинов
“___” ___________________ 2005 й.

# *ПСИХОЛОГИЯ*

**Маърузалар матни**

«Касб таълими» кафедраси мудири
______________ проф.У.Нишоналиев

***Тошкент — 2005 йил***

*Ушбу маъруза матни бакалавриат таълим стандартларига киритилган. “Психология” фанини ихтисослиги психология ва педагогика бўлмаган олийгохларнинг талабаларига мўлжалланган. Маъруза матнида шахс билиш жараёнлари, диққат, хотира, тафаккур, сезги, идрок, хаёл, шунингдек шахс қобилиятлари, характери, темперанти тўғрисида маълумотлар асосий мавзу сифатида киритилган.*

*Бу фан бакалавриат III- курс талабаларига 5-семестрида ўқитилади. Жаъми соатлар сони-54 соат бўлиб, булардан 18-соат маъруза, 18-соат амалий машғулот ва 18-соат мустақил таълимга ажратилган.*

***Тақризчи***: доц. А.Хабибуллаев

*Ушбу маъруза матни ТКТИ «Касб таълими» кафедраси мажлисида мухокама қилинди ва «Менежмент ва Касб таълими» факультети Илмий-услубий Кенгашига тавсия этилди.*

***Баённома №____ “_____ ”_____ 200__ й.***

Маъруза матни ТКТИ “Менежмент ва Касб таълими” факультети Илмий-услубий Кенгашида мухокама қлинди ва талабаларга ўқув қўлланма сифатида фойдаланишга тавсия этилди.

***Баённома №___ ”____”________ 200___ й.***

***Тузувчи:*** катта ўқитувчи Ж.Солиев

# КИРИШ

Ушбу дастур мустақил Ўзбекистон республикасида амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий, маънавий ислоҳотлар ҳамда мамлакатимизда Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури ва “Таълим тўғрисидаги” қонунда кўзда тутилган долзарб масалаларни амалда ҳал қилишнинг йўналишларида ҳисобланган ҳар томонлама етук, касбига садоқатли, профессионал сифатларга эга бўлган иқтисодчиларга психологик билим бериш, зарур инсоний ҳамда профессионал фазилатларни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишларга алоқадордир. Зеро давлатимиз раҳбари республика Президенти И.А.Каримов мутаҳассис – кадрларни ижтимоий фаолиятини тўғри ташкил қилишда қатор фанлар ўрни ҳақида таъкидладилар. Бу эса иқтисодиёт олийгоҳларида таҳсил олаётган бўлғуси мутаҳассисларни ижтимоий ҳаётда ўз ўринларини муносиб эгаллашлари учун мулоқот сирлари, психологик билимлардан бохабар бўлишлари зарурлигини яна бир бор эслатади.

Мазкур методик қўлланмада бўлғуси иқтисодчиларга “Психология” курси доирасида берилиши лозим бўлган маърузалар ва амалий машғулотлар ҳажми, тақсимоти, мазмуни акс эттирилган.

## *1-мавзу. Психология фани, унинг предмети ва амалий соҳалари*

Режа:
1. Психология тўғрисида умумий тушунча.
2. Психология фанининг предмети.
3. Психология фанининг тадқиқот методлари.
4. Психология фанининг асосий сохалари.

Инсон ташқи оламни билибгина қолмай унга нисбатан ўз ҳиссиётларини намоён эта олади, воқеликда ўзи ҳам иштирок этиб фаолият кўрсатади. Шу билан биргаликда ҳар бир инсон бир–биридан нима биландир ажралиб туради. Инсонга хос сезги, идрок, диққат, хотира, тафаккур, нутқ, тасаввур, ҳиссиёт, ирода–психик процессрлар ҳисобланиб, қизиқиш, қобилият, темперамент, ҳарактер шахснинг психик ҳусусиятлари дейилади. Маълум вақт давомида инсоннинг ғамгин ё қувноқ бўлиши психик ҳолат деб юритилади. Барча бу айтилган процесслар, шахс ҳусусиятлари ҳамда психик ҳолатлар бирлашиб инсоннинг ички дунёси, руҳий ҳолати–психикани ташкил этади. Инсонни руҳий ҳолатини ўрганадиган фан эса психология деб аталади.

Психология юнонча сўз бўлиб, руҳга оид билим маъносини англатади. Психология фанининг вазифаси инсонни теварак–атрофдаги нарсаларни идрок қилиш процессини ўзига хос қонуниятларини ўрганиш билан бир қаторда психик фаолиятнинг механизмларини аниқлашдан иборатдир. Демак, психология фан сифатида психиканинг фактларини, қонуниятларини ва механизмларини ўрганади. Психология фанининг асосий предмети бу шахс, унинг ўзига хос хулқ-атвори ва фаолияти ҳисобланади. Психология шахс психикасида юзага келадиган ва намоён бўладиган психик жараёнларни, психик холатларни ва индивидуал психологик ҳусусиятларни ўрганувчи фандир. Психик процесс-жараёнлар сезги, идрок, хотира, тафаккур, нутқ, психик холатлар–ҳиссиёт, ирода, диққат, индивидуал–психологик ҳусусиятлар темперамент, ҳарактер, қобилиятлар ҳисобланади.

Психология фанинг кенг қўлланиладиган методларидан бири кузатиш методи бўлиб, кишиларнинг ҳис–туйғулари, нерв системасининг ташқи ифодалари, индивидуал–психологик ҳусусиятлари ўрганилади.

Кузатиш объектив(ташқи) ва субъектив (ўз–ўзини) турларига бўлинади. Инсон психикасидаги ўзгаришларни кузатиш учун қуйидагилар амалга оширилади:
1) кузатишнинг мақсади, вазифалари белгиланади;
2) кузатиш объекти танланади;
3) синалувчининг ёши, жинси аниқланади;
4) тадқиқот ўтказиш вақти режалаштирилади;
5) кузатиш қанча давом этиши қатъийлаштирилади;
6) кузатишнинг шакли (якка, гуруҳ) тайинланади;
7) кузатиш қайси фаолиятда амалга оширилиши (ўйин, ўқиш, меҳнат ёки спортда) тайинланади;
8) кузатишнинг қайд этиш воситалари (кундалик, магнитофон, суҳбат дафтари) танланади.

Кузатувчи тадқиқот давомида тутган мавқеига кўра кузатиш биргаликдаги кузатув ва четдан кузатув турларига бўлинади. Психология фанида ўз–ўзини кузатиш (интроспекция)дан фойдаланилади. Кўпинча тажрибали психолог ёки ўқитувчи кузатиш орқали илмий хулоса чиқара билади. Лекин инсон турли вазиятда ўзини бир хил бошқара олмайди ва шунинг учун бу илмий аҳамияти катта эмас. Шу маънода кузатиш методининг қулай ва самарали жиҳатлари билан бирга заиф томонлари ҳам мавжуд. Инсоннинг мураккаб психикаси ўрганишда бошқа методлардан ҳам фойдаланамиз.

Суҳбат методи. Инсон психикасини ўрганишда суҳбатнинг мақсади, вазифаси белгиланади. Ўрганилаётган мавзу, нарсага доир савол–жавоб тартиби тайёрланади. Суҳбат орқали турли ёшдаги одамларнинг ақли, қизиқиши, хулқ–атвори, дунёқараши, билими тўғрисидаги маълумотлар олинади, суҳбат давомида фикрлар мантиқий изчилликка эга бўлиши керак.

Инсон шахсида юзага келадиган ва акс этадиган психик жараёнлар, психик холатлар ва индивидуал–психологик ҳусусиятларни ўрганиш ўзига хос мураккабликка эга эканлиги билан ажралиб туради.

Психология фанининг тарихига назар ташласак, инсоният жамияти юзага келибдики, инсон шахси, унинг руҳи, қалби, ундаги жараёнлар, холатлар сингари масалалар қадимдан барча давр файласуфлари, донишмандлари, мутафаккирлари, олимларининг диққат марказида ўрганиш, кузатиш ва фикр билдириш объекти бўлиб келган. Шунинг учун жуда кўп мутафаккирлар ишларида психологияга оид қарашларни кузатамиз. Ҳар қандай фан илмий фан сифатида тан олинишида эксперимент–тажриба муҳимдир. Бу жиҳатдан қараганда 1879 йили Лейпциг Университетида немис файласуфи, психологи Вильгельм Вундт томонидан очилган психологик лаборатория илмий психологиянинг асос солинишига негиз бўлди. Ҳар қандай фанда бўлгани каби психология фанида ҳам турли оқим, қараш ва ёндашишларни кузатамиз. Биологизаторлик назария тарафдорлари (Р.Адлер, К.Юнг) шахс ривожланишининг асосий омиллари сифатида ирсият, насл–насаб, туғмалилик, ген каби манбаларни олсалар, социалогизаторлик назарияси намоёндалари (Э.Фромм, А.Леонтьев) эса шахс ривожланишида ижтимоий омилларни: таълим, тарбия, муҳит кабиларни аҳамиятлилик даражасини биринчи ўринга қўядилар. Фрейдизм, неофрейдизм йўналишлари онг остини ўрганса, бихеиоризм (Б.Уотсон, Торндайк) инсон ҳулқини олдинга қўяди. Шунингдек психологияда гештальд, ассоционизм, психоанализ, когнитивизм каби оқимлар мавжудки, ҳар бири шахс фаоллиги, ривожланишида нимадир илгари суради.

Ҳар қандай фан бошқа фанлардан фақатгина предмети, пайдо бўлиш тарихи билангина эмас, балки маълумотларни жамлаш, у ёки бу ғояни исботлаш учун қўлланиладиган услублари билан ажралиб туради. Услублар мукаммаллиги аслида назарий тараққиётни, фан тараққиётини белгиловчи асосий омилдир.

Тест методи. Тест инглизча сўз бўлиб, синаш, текшириш демакдир. Тест қисқача синов усули бўлиб, тестларни қўллашнинг қулайлик томони тест ёрдамида бир объектнинг у ёки бу ҳусусиятларини бир неча марта, такрор синаб мумкин. Шуни қайд этиш лозимки, ҳар бир тестнинг ўз калити бўлади.

Анкета методи ҳаммага таниш метод бўлиб, унга киритилган саволларга кўра анкета очиқ ва ёпиқ турларга бўлинади. Очиқ анкета синалувчи ўз фикрини

билганча баён этишини талаб этади. Ёпиқ анкета саволларига синалувчи ўзига маъқул жавобини белгилаши мумкин. Анкета уч қисмдан иборат бўлади: кириш қисми–бунда йўриқнома берилган бўлади; асосий қисм–бунда оддийдан мураккабга қараб саволлар келтирилган бўлади; якуний қисм–бунда синалувчи тўғрисидаги маълумот учун “паспортичка” белгиланади.

Тажриба методи. Тажриба методи икки турли: табиий ва лаборатория турларига бўлинади. Табиий шароитда инсон психикасини ўрганишда синалувчи тадқиқотдан бехабар бўлиши керак. Лаборатория методи кўпинча индивидуал шаклда синалувчилардан яширмай, махсус психологик асбоблар, тавсиялар, иловалардан фойдаланиб олиб борилади. Тажриба аниқловчи, таркиб топтирувчи, текшириш қисмларига бўлинади. Аниқловчи тажрибада психик ҳусусият, жараён, холат, ўйин, меҳнат, ўқиш каби фаолиятда тадқиқ этилади. Таркиб топтирувчи тажрибада синалувчиларда бирор фазилатни шакллантириш режалаштирилади. Текшириш тажрибасида шакллантирилган фазилат ўлчанади.

Психология фанида шунингдек биография (таржимаи ҳол), ҳужжатларни ўрганиш, контент–анализ, сўроқ, интервью, социометрия методларидан ҳам кенг фойдаланилади.

Ҳозирги даврга келиб психологияни инсон шахси ҳақидаги энг муҳим фанлардан бири сифатидаги аҳамиятини ҳамма тан олмоқда. Инсон шахсининг эса бевосита кириб бормаган соҳасини топиш қийин. Психология иқтисод, педагогика, фалсафа, мантиқ социология ва бошқа ижтимоий–гуманитар фанлар билан алоқадор ҳисобланади. Чунки ҳамма соҳада инсон шахси фаолият кўрсатар экан, ҳар соҳада ишни самарали ташкил этиш, олиб бориш учун кишилар психологиясини, шахслараро муносабатлар психологиясини, одамлардан турли вазиятлардаги ҳулқ–атвор нормаларини билиш ва шунга кўра иш олиб бориш муҳимдир. Шунинг учун иқтисод, педагогика фанлари соҳалари мутаҳассислари психологик билимлардан бохабар бўлишлари лозимдир.

Психологиянинг 300 дан ортиқ тармоқлари фан сифатида ривожланаётганлиги ҳозирги кунда психологиянинг фанлар тизимида ўрни янада мустаҳкамлашаётганлигидан далолат беради:

-умумий психология–психологиянинг барча масалаларининг ўзига ҳос жиҳатларини ўрганадиган маҳсус соҳаси;

-педагогик психология–кишини таълим ва тарбия беришни психологик қонуниятларини ўрганишни ўз предмети деб билади;

-ёш даври психология–турли ёшдаги одамларнинг туғилганидан умрининг охиригача психик ривожланиш жараёнини, шахснинг шаклланиши ва ўзаро муносабатлари қонуниятларини ўрганади;

-ижтимоий психология–одамларнинг жамиятдаги биргаликдаги иш фаолиятлари натижасида уларда ҳосил бўладиган тасаввурлар, фикрлар, эътиқодлар, ҳиссий кечинмалар ва ҳулқ–атворларини ўрганади;

-меҳнат психологияси–киши меҳнат фаолияти психологик ҳусусиятларини, меҳнат илмий асосда ташкил этишнинг психологик жиҳатларини ўрганади;

-инженерлик психологияси–автоматлаштирилган бошқарув системалари операторнинг фаолиятини, одам–техника ўртасида функцияларни тақсимлаш ва мувофиқлаштиришнинг ҳусусиятларини ўрганади;

-юридик психология–хуқуқ системасининг амал қилиши билан боғлиқ масалаларнинг психологик асосларини ўрганади;

-ҳарбий психология–кишининг ҳарбий ҳаракатлар шароитида намоён бўладиган ҳулқ–атворини, бошлиқлар билан ижро этувчилар ўртасидаги муносабатларнинг психологик жиҳатларини ўрганади;

-савдо психологияси–жамиятда тижоратнинг психологик шароитлари, эҳтиёжнинг индивидуал, ёшга оид, жинсга оид ҳусусиятларини, харидорга хизмат кўрсатишнинг психологик омилларини аниқлайди, модалар психологияси каби масалаларни кўради;

-тиббиёт психологияси–шифокор фаолияти психологиясини, бемор ҳулқ–атворининг психологик жиҳатларини ўрганади.

Шунингдек психологияда этнопсихология, оилавий ҳаёт психологияси, бошқарув психологияси, ташкилий ҳулқ психологияси, шахс психологияси, раҳбар психологияси, психодиагностика ва бошқа кўплаб соҳалари мавжуд.

Психологиянинг тадбиқий ва амалий соҳалари ҳақида тўхталсак, қуйидаги йирик соҳаларга ажратиш мумкин:

-саноат ва бошқарув соҳалари психологияси;

-шахсни ижтимоий гуруҳлардаги муносабатларининг психологияси;

-оила ва никоҳ борасидаги тадбиқий ишлар;

-мактаб ва ижтимоий соҳага психологик ёрдам ишлари;

-психодиагностика ва психокоррекция ишлари.

***Мавзу бўйича таянч сўз иборалар***:

Психик жараёнлар, психик холатлар, психологик ҳусусиятлар, кузатиш, суҳбат, тажриба, социометрия, тест, психология соҳалари.

***<u>Мавзу юзасидан семинар машғулотида муҳокама қилинадиган саволлар:</u>***

1. Психологиянинг фан сифатида предмети.
2. Психологиянинг фанлар тизимида тутган ўрни, аҳамияти.
3. Психология фанининг методлари.
4. Психологиянинг тадбиқий ва амалий соҳалари.

***<u>Адабиётлар:</u>***

1. Умумий психология. Т.: Ўқитувчи, 1992. – 512 с.
2. Немов Р.С. Психология Кн. М.: Просвещение – 1994. – 576 с.
3. Ғозиев Э. Психология. Т.: Ўқитувчи, 1994 – 300 б.
4. Климов Е.А. Основы психологии. Учеб. М.: ЮНИТИ, 1997. – 295 с.
5. Годфруа Ж. Что такое психология. Т. М.: Мир. 1992 – 496 с.
6. Каримова В.М. “Ижтимоий психология асослари” Т. 2004й.
7. Ғозиев Э. “Шахс психологияси” Т. 2004й.

## *2–мавзу: Психологияда “шахс–жамияти ўз–ўзини бошқариш” масалалари*

**Режа:**

1. “Шахс–жамият” тизими ҳақида.
2. Шахс роллари ва ижтимоий статуси ҳақида, роллар зиддияти.
3. Шахс ва онг. “Мен” образи ва ўз–ўзини бошқариш омиллари.

Шахс–жамиятдаги алоҳида киши, одам. Ҳар бир шахснинг воқеликни идрок этиши, уни қабул қилиши, маълум билимлар тизимига эга бўлиши ижтимоий тараққиёт билан изоҳланади. Шу билан бирга ҳар кишининг билими, ҳулқи, одоби ва бошқа ҳусусият–фазилатлари унинг ўзига хос томонларини кўрсатади.

Жамият инсоният тарихий тараққиётининг маълум босқичида шаклланадиган ижтимоий муносабатлар мажмуидир. Шахс–жамиятнинг бир азоси. У жамиятдан ташқарида бўлиши мумкин эмас. Бунинг сабабалри: биринчидан, шахс аҳлоқи ҳамиша жамият аҳлоқига бўйсунади, шунга мажбур. Иккинчидан, киши кўпгина нарсаларсиз ҳам яшай олади, лекин танҳоликда яшай олмайди, бахтни ҳам одамлар орасидан топади, шахс бахт–саодати жамиятдан ташқари бўлмайди; учинчидан, киши жамият иродасидан далда олади; тўртинчидан, жамият шахс камолоти устида ғамҳўрлик қилиб шарт–шароит таъминлайди, киши фақат туғма сифатлар билангина эмас, балки мазкур жамиятга хос хислатларни ҳам ўзлаштиради.

Жамият–шахс муносабатларининг нозик томонлари ҳам бор. Агар жамият адолатли бўлса, жамият барча аъзолари ва алоҳида шахс учун ҳам барча имконият бўлади. Адолатли жамият шахсни шунчаки шакллантириб қўя қолмайди, балки маънавий етук инсон қилиб камол топтиради.

Худди шунингдек, шахс ҳулқи, одоби, феъли ҳам жамиятда яшаётган одамларга катта наф беради.

Шахс–жамият ўзаро муносабатлар жараёнида одамларнинг жамиятда биргаликдаги иш фаолиятлари натижасида уларда ҳосил бўладиган тасаввурлар, фикрлар, эътиқодлар, ҳиссий кечинмалар ва ҳулқ–атворларни ўрганиш психологияда муҳим вазифа ҳисобланади.

Ҳар бир шахс жамиятда яшар экан, ўзининг яхши ҳис этиши, ҳимояланиши ва яшаб қолиши учун маълум чегараларни ўзига қўяди. Шу территорияни–майдонниичида ҳар бир одамнинг ўз шахсий майдони мавжудки, бу майдонга ўзга кишиларнинг кириб келиши шахс учун ноқулайликларни юзага келтиради. Одамларнинг майдонлари, майдонлари ўлчами бир хил эмас, бу одамнинг ёши, ижтимоий мавқеи ва бошқа жиҳатларга боғлиқ. Шахслараро масофа миллат ва элатларнинг ёзилмаган қонуниятларига бўйсунади. Масалан, Шимолий Европа ҳалқлари кўпроқ алоҳидаликни хоҳлашар экан. Африкаликлар, араблар ва жанубий америкаликларга эса бирга, жамоа бўлиб фаолият кўрсатиш, яшаш кузатилади.

Жамиятда одамлар орасида муносабатларни амалга оширишда тўрт хил масофа (зона) мавжудлигини Холл С. (1966) кўрсатиб берган: 1) интим масофа (0-45 см) бу масофада асосан яқин ва яхши таниш одамлар мулоқот қиладилар. Бунда

баланд эмас овозда гаплашиш ва хатто бир–бирига тана қисмларини контакти ҳам бўлади. 2) шахсий масофа (45-120 см) бу масофада асосан таниш–билишлар ўртача баландликдаги овозда гаплашадилар. 3) ижтимоий масофа (120-350 см) бунда асосан расмий учрашувлар кечиши мумкин. Ҳар бир одам ўз ҳоҳишига кўра ўзи билан банд бўлиши мумкин. Бу масофада муомала қилиш овозни кўтариб амалга оширилади. 4) оммавий масофа (350-7500 см) бу масофада оммавий мажлис, суд жараёни, аудиториядаги нутқ кабилар кузатилади. Бунда мулоқот расмий тусда, овоз қаттиқ оҳангда олиб борилади.

Кишиларнинг жамиятда тутган ўрни, мавқеига кўра бу масофалар турлича кузатилади. Масалан, ижтимоий масофада раҳбар ва ходим муносабатлари кузатилса, шахсий масофадаги икки ходим, мавқеи бир хил бўлган икки шахс орасида кўринади. Одамлар орасида масофани қисқариши биргаликда иш қилиш, бир–бирига қизиқиш ёки бир–бирини ёқтириш ҳолларида юз беради.

Шахслараро муносабатларни амалга оширишда масофанинг қисқа ёки катта бўлиши шахс ҳусусиятларига ҳам боғлиқлиги ўрганилган. Масалан, Алгейер А., Бирм Д. (1973) зиддиятли, шубҳаланувчан кишилар мосланувчи, мулоқотга интилувчан ва қувноқ кишиларга нисбатан бошқалар билан мулоқотда катта шахсий масофага риоя этишларини кузатганлар.

Жамият миқёсида оладиган бўлсак, одамларнинг турли шароитларда ўзларини тутишлари, ҳулқ–атворларининг бошқарилиши маълум психологик қонуниятларга боғлиқлигини кўриш мумкин. Бунга сабаб жамиятда қабул қилинган турли нормалар, қонун–қоидалар. Чунки ўзаро таъсир жараёнларида шундай ҳатти–ҳаракаталар образлари кишилар онгига сингиб борадики, уларни ҳар бир киши норма сифатида қабул қилади. Масалан, ёшларнинг жамоат жойларида ёши улуғларга, ўзидан катталарга ва болали кишиларга ўрин бўшатиб бериш кераклиги ҳулқ–атворнинг бир нормаси ҳисобланади. Шу нормага амал қилиш ёки амал қилмаслик ижтимоий назорат тизими орқали бошқарилади. Яъни, юқоридаги шароитда ўсмир қарияга жой бўшатмаса, жамоатчилик ўша заҳоти уни ижтимоий тартибга чақиради. Демак, турли шароитлардан келиб чиқиб, ҳар шахс турлича ролларни бажаради, бу ролларнинг қандай бажарилаётганлиги, одамларнинг кутишларига мос келиши ижтимоий назорат тизими орқали кузатиб турилади. Шунинг учун ҳам ўзаро муносабатларда кишилар домо ўз ҳулқ–атворини қолаверса, ўзгаларнинг ҳулқ–атворини назорат қилиб, ҳаракатларда бир–бирига мослашадилар.

Турли ролларни бажараётган шахсларнинг ўзаро муносабатлари кутишлар тизими орқали бошқарилади. Масалан, хоҳлайдими ёки хоҳламайдими, ўқитувчидан маълум ҳаракатларни кутишади, улар ўқитувчи ролига зид бўлмаслиги керак. Ўз ролларига мос ҳаракат қилган, доимо меъёр мезонида иш тутган кишининг ҳаракатлари одобли ҳаракатлар дейилади. Масалан, ўқитувчининг одоби, ўз касбини устаси эканлиги, болалар қалбини тушуна олиши, уларнинг ёш ва индивидуал ҳусусиятларини ҳисобга олган иш тутиши унинг одобга эга эканлигини белгисидир. Демак, ўзаро муносабатлар жараёнида бир одам ўзи тутган ўрни ва мавқеига кўра иш тутиши ундан тактлиликни талаб этади.

Одамлар ўзаро муносабатларда бир–бирига психологик таъсир кўрсатади. Бу таъсир иккала томондан англаниши ёки англамаслиги мумкин. Яъни, гоҳида биз

нима учун бир шахснинг бизга қанчалик кучли таъсирга эга эканлигини, бошқа бири эса, аксинча, ҳеч қандай таъсир кучига эга эмаслигига тушуна олмаймиз. Ўқитувчи шахснинг болаларга таъсири ушбу тажрибада яққол кузатилган. Бошланғич синф ўқитувчиларига анча ўйинчоқлар бериб, шуларнинг ичида фақат биттасига–қизил ёғочли ўйинчоқга тегмаслик айтилган. Болаларни ёлғиз қолдириб кузтилган пайтда, уларнинг жуда купчилиги шу тақиқланган ўйинчоқга барибир тегишган. Тажрибанинг иккинчи қисмида барча ўйинчоқга тегиш мумкин, лекин қутичани очиш мумкин эмас дейилган. Шу қутичанинг тепасига шу болаларнинг ўқитувчисини сурати илиб қўйилган. Бунда тақиқланган нарсани олувчи ўқувчилар сони кескин камайган. Демак, ўқитувчи шахси болага юқори даражада психологик таъсир кўрсатар экан.

Жамиятда шахсга қўйилган роллар кўплиги роллар зиддиятини келтириб чиқаради. Масалан, ўқитувчи ўзи дарс олиб борадиган синфда фарзанди бўлса, пайтида ноқулайликни бошида кечириши мумкин, яъни бир вақтнинг ўзида ҳам ота–она, ҳам ўқитувчи ролини бажаришига тўғри келади. Ёки хулқи ҳам ёмон ўқувчининг уйига келган ўқитувчи бир вақтнинг ўзида ҳам ўқитувчи, ҳам меҳмон роллари ўртасида қийналади.

Одамлар жамиятида шахс турли ижтимоий гуруҳларга мансуб бўлади. Шахс бир вақтнинг ўзида маълум бир иш билан банд бўлган ҳолда, спорт секциясида аъзо, жамоат ишларини бажариши, ижтимоий сиёсий ишларда фаол иштирок этиши, шу билан бирга оилада оталик ва оналик вазифаларини бажариши мумкин. Одам шахснинг ҳар қандай гуруҳда эгаллаган ижтимоий мавқеига кўра маълум талаблар, ролларни бажариш лозим бўлади.

Шахс деб конкрет кишини айтамиз. Одамнинг шахс сифатидаги асосий белгиси: социаллиги, онги, тили.

Одам онгининг юксак белгиси–унинг ўзини англашидир, шахснинг муҳим белгиси одамнинг ўзини англашидир. Одамнинг ўзини англаши субъектив равишда ўзини “мен” деб ҳис қилишда ифодаланади.

Шахс мулоқот жараёнида, ўзаро муносабатларда ўзини суҳбат давомидаги ҳамкори позициясида туриб тасаввур этиши ўз–ўзини тўғри бошқаришнинг асосий механизмларидан биридир. Психологияда рефлексия–бошқа одамнинг идрокига таааллуқли бўлиб, ўзига бировнинг кўзи билан қарашга интилишидир.

Шахснинг ўзини англаш, “мен” деб ҳис қилиши ҳамиша муайян мазмуни билан юзага чиқади. Ўзининг борлигини англаши, одамнинг ўзини ким деб билиши, бошқа кишилар билан ўзаро муносабатини англаши, ўзининг фазилат ва камчиликларини англаши, шу кабиларни англаш ўзини англашга киради.

Шахснинг ўзини англаш ва ўзини билиши, ўз хулқ–атворини бошқариши учун зарур шартдир, ўзини–ўзи тарбиялаш учун ва ўз ақлини ўзи ўстириши учун зарур шартдир.

“Мен” образи ҳар бир одамда шакллана бориши уч ёшлик давридан кузатилади. Бир одамда олтита “мен” мавжуд.

1-“мен” – табиатдан яратилган мен;

2-“мен” – мен ўзимни қандай одамман деб ҳисобласам, бе менинг 2 меним.

3-“мен” – мен одамлар мени қандай деб ҳисоблашларини хоҳлайман.

4-"мен" – мен атрофдагилар мени қандай одам деб ҳисоблайдилар, деб ўйлайман.

5-"мен" – одамлар мени қандай деб ҳисоблайдилар.

6-"мен" – одамлар мени мен ўзим ўзимни ким деб ҳисоблайдилар, деб ўйлайдилар.

Шахсни ўз–ўзини бошқаришида "мен" образини англаши муҳим бўлиб қуйидаги шартларга риоя этиш зарурдир: ўз–ўзи билан мулоқот қилиши, иродасини тарбиялаши, ўз–ўзини қилаётган иши ёки олиб бораётган фаолияти самарасига ишонтириши, ўз–ўзига керак буйруқ бера олиши, установкалар бериш ва аутоген тренировка билан шуғулланиш.

Мавзу бўйича таянч сўзлар: шахс, жамият, муносабат майдонлари, норма, назорат тизими, мавқе, рол, роллар зиддияти, "мен".

## ***<u>Мавзу бўйича таянч сўз иборалар:</u>***

1. Шахс ва жамият ўзаро муносабатлари.
2. Шахс роллари ва ижтимоий статуси. Роллар зиддияти.
3. Шахсда "мен" образи ва ўз–ўзини бошқариш омиллари.

## ***<u>Адабиётлар:</u>***


1. Абрамова М. Практическая психология. М.: Мысль, 1997. – 312 с.
2. Каримова В.М. Ижтимоий психология асослари. Т.: Ўқитувчи.
3. Психология. Учебник. – М.: ПРОСПЕКТ, 1998. – 284 с.
4. Ватан туйғуси. Т.: Ўзбекистон, 1996. – 396 б.
5. Фрейд З.Психоанализ. М.: Мысль, 1995.-112 с.
6. Годфруа Ж. Что такое психология. Т.2. М.: 1992. – 376 с.
7. Каримова В.М. "Ижтимоий психология асослари" Т. 2004й.
8. Ғозиев Э. "Шахс психологияси" Т. 2004й.

## *3–мавзу: Шахс ва фаолият. Фаолият мотивлари*

***Режа:***

1. Фаолият ҳақида умумий тушунча.
2. Фаолият турлари.
3. Фаолият мотивлари ва уларнинг англаганлик даражалари.
4. Ижтимоий ҳулқ мотивлари ва уларни ўзгартириш муаммоси.

Кишининг фаоллиги унинг илк ёшлигиданоқ бутун инсоният тажрибаси ва жамият талабаларига кўра йўналтириб борилади. Ҳатти–ҳаракатнинг бу тури шу қадар хосликка эгаки, психологияда уни аташ учун маҳсус термин–фаолият термини қўлланилади. Фаолликнинг маҳсус психологик белгиларини кўриб чиқамиз.

Бундай белгилардан бири шундан иборатки, фаолиятнинг мазмуни тамомила уни келтириб чиқарган эҳиёж билан белгиланмайди. Фаолиятнинг шакллари ва мазмуни шарт–шароитлар, талаблар ва тажриба билан белгиланади.

Фаолият фаоллик манбаи бўлган эҳтиёж сифатида юзага чиққан ҳолда фаолликнинг йўналтирувчиси бўлган англанилган мақсад билан бошқарилади. Фаолият муваффақиятли бўлиши учун психика нарсаларнинг ҳусусий объектив ҳоссаларини акс эттириши ва улар билан олдинга қўйилган мақсадга эришиш усулларини ҳам белгилаб бериши лозим. Фаолият кишининг ҳулқ–атворини мақсадга қаратилган ҳаракатларни рўёбга чиқариш, ҳусусан олганда юзага келган эҳтиёжларни, ўзига зудлик билан қондира олмайдиган, яъни бевосита мададга таянмайдиган фаолликни рағбатлантириш ва қўллаб–қувватлаш имконини берадиган даражада бошқаришга қодир бўлиши керак. Демак, фаолият билиш ва ирода чамбарчас боғлиқ бўлади, уларга таянади, билиш ва иродавий жараёнларсиз юз бериши мумкин эмас. Бунда кўринадики, фаолият–кишининг англанилган мақсад билан бошқариб туриладиган ички (психик) ва ташқи (жисмоний) фаоллигдир.

Фаолиятнинг барча қолган жиҳатлари – унинг мотивлари, бажариш усуллари, ахборотни танлаш, қайта ишлаш англанилган бўлиши ҳам, англанилмаган бўлишидан қатъий назар, мақсад англаниши ҳамиша муқаррар белгисидир. Бу белгилар бўлмаган ҳолда киши тушунчасидаги фаолият ҳам бўлмайди, балки импульсив ҳатти–ҳаракат юз беради. Бундай ҳаракат бевосита эхтиёжлар ва ҳиссиёт билан идора қилинади.

Фаолиятнинг амалга ошириш усулларига келганда шуни айтиш керакки, уларнинг кўпчилиги одатда онгдан ташқари холда йўналтирилади. Бунга мисол сифатида одатланиб қолинган ҳар қандай ҳаракат: юриш, сўзлаш, хат ёзиш, автомобилни бошқариш кабиларни келтириш мумкин.

Фаолиятнинг иккинчи ҳусусият шундан иборатки, у меҳнат қуролларини тайёрлаш, улар ёрдамида фойдаланиш қуролларини сақлаш имкониятига эгалигидир. Учинчидан, инсон фаолияти жамоада ва жамият учун кечар экан у ижтимоий характерга эга бўлиб қолади.

Инсон фаолиятининг зарурий шарти–психик жараёнлар бўлиб, улар фаолиятнинг шартли характеристкасидир ва шу биланбиргаликда барча психик процесслар фаолият давомида шаклланади, бошқарилади ва амалга оширилади. Демак, инсон фаолияти билан унинг психик процесслари доимий ўзаро алоқада бўлади.

А.Н.Леонтьевнинг "Фаолият, шахс, онг" асарида фаолият макроструктураси мураккаб нерархик тузилишга эга эканлиги келтирилган. Унга кўра инсон фаолияти қуйидаги босқичлардан иборат:

-юқори босқич: махсус фаолият

-кейинги босқич: харакатлар

-сўнгги босқич: жараёнлар

-энг қуйи босқич: психофизиологик функциялар

англанилган мотивлар туғилиши ҳисобланади. Ўқув фаолияти кишининг ижтимоий фойдали фаоллик кўрсатишнинг ҳар хил турлари учун зарур билимлар билан қуроллантириб қолмайди, у кишида ўз психик жараёнларини идора қилишни кўникма ва тажрибаларни шакллантиради. Ўқув фаолияти шу тариқа кишини меҳнатга тайёрлайди.

Меҳнат – маълум бир ижтимоий фойдали, моддий ва маънавий маҳсулотни ишлаб чиқаришга йўналтирилган фаолият демакдир. Меҳнат фаолияти–кишининг энг етакчи, асосий фаолияти. Меҳнат фаолияти одамлар истеъмол қиладиган нарсаларни ишлаб чиқариш мақсадини кўзлаган бўлиши мумкин. Шу сабабли кишиларнинг меҳнат ўз моҳиятига кўра ижтимоий ҳисобланади. Киши меҳнат жараёнида бажарадиган ҳаракатлар биологик эҳтиёжлар эмас, балки илгари сурилган ишлаб чиқариш мақсади ва мақсадни рўёбга чиқариш жараёнида унинг бошқа одамларга нисбатан муносабатлари билан белгиланади. Меҳнатни энг муҳим белгиси шундан иборакти, у қуролларни тайёрлаш ва қўлланиш билан боғлиқдир. Коллектив фаолият эса бошқа одамларни шу фаолият иштирокчилари деб қарашга мажбур этади ва натижада шахс ўз хатти–ҳаракатларини идеал мақсадларга йўналтиришга ва уларни ижтимоий тажриба билан белгилашга ўрганади.

Фанда инсон фаоллигининг асосан икки тури фарқланади:

1. Ташқи фаоллик–бу ташқаридан, ўз ички истак–хоҳишларимиз таъсирида бевосита кўриш, қайд этиш мумкин бўлган ҳаракатларимиз, мушакларимизнинг ҳаракатлари орқали намоён бўладиган фаоллик.

2. Ички фаоллик–бир томондан, у ёки бу фаолиятни бажариш мобайнидаги физиологик жараёнлар ҳамда иккинчи томондан, бевосита психик жараёнларни ўз ичига олади.

Инсон фаоллигини мужассамлаштирувчи ҳаракатлар жараёни фаолит деб юритилади. Ҳар қандай фаолият орқасида инсонни конкрет эҳтиёжи ётади, чунки эҳтиёж–шахснинг уни ўраб турган муҳитга боғлиқлиги, унга маълум тарзда психологик бўйсунганлигини кўрсатувчи талаблар мажмуидир. Шу эҳтиёж таъсирида пайдо бўладиган

Психофизиологик функциялар босқичи дейилганда психик процессларнинг физиологик таъминланганлиги назарда тутилиб, субъектга табиатан тайёр ҳолда берилади. Уларга инсон организмининг қатор қобилиятлари, жумладан сезиш

қобилияти, ўтмиш таасуротларини шакллантириш ва фиксация қилиш имконияти мисол бўла олади.

Жараён ёки операция деб ҳаракатларни бажариш усулига айтилади. Жараён автоматлашган ҳарактерга эга бўлиб, шароитга асослашган бўлади. Агар ҳаракатлар мақсадга жавоб берар экан операциялар мақсад қўйилган шарт–шароитлар билан белгиланади.

Ҳаракат–фаолиятнинг ёлғиз битта оддий жорий вазифани бажаришга йўналтирилган нисбатан тугалланган қисмдир.

Бир мотив асосидаги ҳаракатлар бирлиги фаолият деб, аниқроғи фаолиятнинг алоҳида тури деб номланади. Фаолиятнинг турлари дейилганда ўйин, ўқиш, меҳнат фаолияти тушунилади. Инсоннинг ҳар қандай фаолиятида қуйидаги ташкил этувчи бўлимларни ажратиш мумкин: мақсад қўйиш (конкрет масалани англаганлиги), ишни ташкиллаштириш, фаолиятни амалга ошириш, бажариш, натижаларни текшириш, хатолар тузатиш, мўлжалланган натижаларни олинган натижалар билан таққослаш, ишни якунлаш ва баҳолаш. Барча компонентларни маълум фаолиятни анализ қилиш давомида кузатиш мумкин.

Фаолият ҳамиша кишининг бошқа одамлар билан муайян муносабатлари системасида юз беради. У бошқа одамларнинг иштироки ва ёрдамини тақозо этади. Унинг натижалари теварак атрофдаги оламга, кишилар ҳаёти ва тақдирига таъсир кўрсатади. Шунинг учун фаолиятда кишининг фақат нарсаларга муносабати эмас, балки унинг бошқа одамларга бўлган муносабати ҳам ўз ифодасини топади. Фаолиятда кишининг шахси ифодаланади ва айни чоғда киши шахсини шакллантиради. Одам шахсида турли фаолият кузатилади. Булар: ўйин, ўқиш меҳнат.

Ўйин фаолияти мақсади ўзининг ёрдами туфайли муаффақ бўлинадиган амалий натижаларга эришишдан эмас, балки амалда “фаолият”нинг ўзидан иборат жараёндир. Шуниси маълумки, ўйин болаларда ўз фаоллигини рўёбга чиқариш шакли, ҳаёт кечириш ва фаолият кўрсатиш шакли бўлиб хизмат қилади. Ўйин фаолияти туфайли сўзнинг аҳамиятини буюмнинг ташқи кўринишидан амалда ажратилади. Кейинчалик ролли ўйинлар пайдо бўладики, бунда бола шахсининг “мен”и ва ўз ҳарактери ҳусусиятларини намойиш этиш кузатилади. Ижтимоий белгиларига кўра ўйин фаолияти психологик тузилиши жиҳатидан меҳнат ва таълимга яқинлашади.

Таълим фаолияти мақсади бевосита муайян ахборотни ҳаракатлари, хулқ–атвор шаклларини ўзлаштиришга қаратилган фаолиятдир. Субъектнинг ўрганишни ўзига мақсад қилиб олган бундай ўзига хос фаолияти таълим деб аталади.

Таълим фаолияти қуйидагилардан иборат:

а) идеал ва амалий фаолиятнинг у ёки бу турини муваффақиятли ташкил этиш учун зарур бўлган ташқи оламнинг муҳим аҳамиятли хоссалари ҳусусидаги ахборотнинг ўзлаштирилиши (жараён Маҳсули–билимлар);

б) фаолиятнинг ана шу барча турлари таркиб топадиган усуллар ва жараёнларнинг ўзлаштирилиши (жараён маҳсули–малакалар);

в) қўйилган вазифа ва мақсадга мувофиқ келадиган усуллар ва жараёнларни тўғри танлаш ҳамда назорат қилиш учун кўрсатилган ахборотдан фойдаланиш усулларининг эгалланиши (жараён маҳсули–кўникмалар).

Шундай қилиб, таълим кишининг ҳаракатлари муайян билимлар, малакалар, кўникмалар ўзлаштириб олишга қаратилган онгли мақсад билан идора қилинган жойдагина юз беради. Демак, таълим–ўзига хос инсоний фаолиятдир.

Ўқув фаолиятини шакллантиришнинг энг биринчи асосий шарти–айни муайян билим, кўникма, малакаларни ўзлаштириш учун одамда фаолликнинг турткиси, сабаби–мотивидир. Мотивлар англаган ёки англамаган бўлиши мумкин. Биринчисида фаолият мотиви эгаси учун аниқ, равшан бўлса, иккинчи ҳолатда амалга оширилаётган фаолиятнинг, ҳаракатнинг ички психологик сабаби, яъни уни ортида турган эҳтиёж, фаоллик механизмлари жараённинг ўзида англамайди. Англамаган мотивларни билиш катта аҳамиятга эга, чунки биз кўпинча одамлар орасида, жамоат ерларида, меҳнат жамоасида ўзимизнинг нима сабабдан айнан шу мавқени танлаганимизни, айнан шу қарорга келганимизни, айнан шу мавқени танлаганимизни, айнан шу қарорга келганимизни, айнан шу одамни ёқтириш ёки ёқтирмаётган ҳолатимизни аниқ билолмаймиз. Бу ҳолат кўпинча ижтимоий установкалар орқали тушунтирилади. Ижтимоий установка–у ёки бу гуруҳларга нисбатан шахснинг баҳолари, ҳаракат қилишга ҳозирлиги ва идрок усулларидир.

Шахс ижтимоий мотивлари устида гап кетганда, унинг икки томони: ҳаракат дастури ва мақсади ажратилади. Ҳаракат дастури мақсадга эришишнинг воситаларига аниқлик киритади. Ижтимоий ҳулқнинг мотивлари аниқланган, эҳтиёжлар мувофиқлаштирилган, мақсадлар ва унга етиш воситалари аниқ бўлиши керак. Шундагина ижтимоий жамият нормаларига мос бўлади.

## ***<u>Мавзу бўйича таянч сўз иборалар:</u>***

Фаолият, жараён, ҳаракат, психофизиологик функциялар, мотив, англанган, англанмаган мотивлар, ижтимоий ҳулқ мотивлари.

## ***Мавзу юзасидан семинар машғулотида муҳокама учун саволлар:***

1. Фаолият ҳақида умумий тушунча.
2. Фаолият турлари. Уларнинг маҳсус белгилари.
3. Фаолият мотивлари, уларнинг англаганлик даражалари.
4. Ижтимоий ҳулқ мотивлари, уларни ўзгартириш муаммоси.

## ***<u>Адабиётлар:</u>***


1. Немов Р.С. Психология. В двух кн. М.: Просвещение, 1994.
2. Гамезо М.В., Домашенко И.А. Атлас по психологии. М.: Просвещение, 1986.
3. Гиппенрейтер Ю.Б. Введение в обущую психологию. Курс лекций М.: ЧерРо, 1996. – 336 с.
4. Климов Е.А. Основы психологии. Учеб. М.: ЮНИТИ, 1997. – 295 с.
5. Каримова В.М. “Ижтимоий психология асослари” Т. 2004й.
6. Ғозиев Э. “Шахс психологияси” Т. 2004й.

## *4–мавзу: Шахс социализацияси ва унинг йўналиши.*

Режа:

1. Социализация жараёнининг моҳияти.
2. Социализация ва шахс йўналишларининг уйғунлиги масаласи.
3. Шахс йўналишларининг барқарорлиги ва ўзгарувчанлиги муаммоси.

Шахс муаммосига ижтимоий–психологик ёндашишнинг ўзига хослиги шундаки, у турли гуруҳлар билан бўладики турли шаклдаги ўзаро муносабатларнинг оқибати сифатида қаралади. Гуруҳнинг шахс психологиясига таъсири қай йўсинда содир бўлиши психологияда соф социализация муаммоси билан узвий боғлиқ бўлса, бу таъсирларнинг шахс хатти–ҳаракатлари, ҳулқида бевосита қандай намоён бўлиши ижтимоий йўл–йўриқлар муаммоси билан боғлиқдир.

Шахс социализацияси тўғрисида гап кетар экан, унинг фанда кўпинча «шахс тараққиёти» ёки «тарбияси» тушунчалари билан синонимдек ишлатишга алоҳида эътибор бериш керак. Лекин социализация соф ижтимоий–психологик тушунча бўлиб, бу индивиднинг ижтимоий муҳитга қўшилиши, ижтимоий таъсирларни ўзига актив равишда мулоқот системасига кириб бориши жараёнидир. Бу жараён икки томонлама бўлиб, бир томондан, шахс актив равишда ижтимоий таъсирларни қабул қилади, иккинчи томондан эса, уларни ҳаётда ўз ҳулқ–атворлари, муносабатларида намоён этади. Бу жараён нормал индивидда табиий тарзда рўй беради, чунки шахсда (индивидда) шахс бўлишга эҳтиёж ҳамда шахс бўлишига имконият ва зарурият бор.

Шахс социализациясининг ўз соҳаси, босқичлари ва муассасалари мавжуд.

Шахс социализацияси асосан уч соҳада амалга ошади:

1) Фаолият соҳаси, яъни умри мобайнида шахс турли фаолиятларга бевосита ёки билвосита жалб этилган бўлиб, бу жараёнда фаолиятлар тури кенгайиб, бойиб бораверади. Ҳар бир фаолият тури индивиддан махсус фазилатларни малака ва кўникмаларни, билимларни талаб этадики, уларни қониқтириш йўлидаги автивлиги унда ўзига ҳос ижтимоий–психологик ҳусусиятлар комплексини шакллантиради;

2) мулоқот соҳаси, айниқса мактабгача ёш даврдаги ва ўсмирлик даврларидаги мулоқот системалари болада бир қанча ижтимоий–психологик хислатларни пайдо қиладики, бунинг натижасида у фаол ҳаётий мавқега эга бўлади, жамиятда ўз ўрнини тасаввур қилишга эришади;

3) ўз–ўзини англаш соҳаси, яъни «мен» образининг йил сайин ўзгариб бориши жараёни бўлиб, аввал ўзини бошқалардан фарқ қиладиган жиҳатларини, ўзича мустақил ҳаракат қилиш, мустақил фикр юрита олиш қобилиятини англаш, сўнгра эса ўз–ўзини баҳолаш, англаш, назорат қилиш ҳусусиятлари ривожланадики, улар ҳам фаол шахс психологиясининг таркибий қисмидир.

Шахс социализацияси қуйидаги босқичларда амалга ошади:

1) биринчи босқич–меҳнат фаолиятигача бўлган босқич бўлиб унга боланинг мактабгача ёш даври ҳамда ўқиш йиллари киради. Бу даврдаги социализациянинг

аҳамияти ва ўзига хослиги шундаки, бу даврда асосан ташқи ижтимоий муҳит, ижтимоий таъсирлар фаол равишда онгга сингдирилади, мустақил ҳаётга тайёргарлик борасида мухим босқич ўтилади.

2) иккинчи босқич–меҳнат фаолияти даври–бу давр одамнинг етуклик йиллари билан боғлиқ бўлиб, аввалги даврларда сингдирилган ижтимоий таъсирларни бевосита фаол фаолиятда, шахслараро муносабатлар системасида намоён этади. Касбга эга бўлиб, аниқ ҳаёт йўлини танланган, турмуш қуриб, келгуси авлодни табиялаётган шахсда намоён бўладиган барча ижтимоий фазилатлар шу даврнинг маҳсулидир;

3) учинчи босқич–меҳнат фаолиятидан кейинги давр бўлиб, бунга асосан актив меҳнат фаолиятидан сўнг қарилик гаштини сураётганлар киради. Бу даврда ҳам шахс социализацияси давом этаверади, чунки илгариги даврларда орттирган тажриба бошқаларга узатилади, шунга кўра шахс структурасида ҳам ҳусусий ўзгаришлар рўй беради.

Социализация рўй берадиган шароитлар–муассасаларга турли даврларда оила, болалар муассасалари, мактаб, бошқа ўқув даргоҳлари, меҳнат жамоалари киради.

Социализация жараёни ва шахс ривожланишининг уйғунлиги масаласини қарасак, социализациянинг ҳар бир муассасаси ўзига хос тарзда шакллантириш ва тарбиялаш маскани бўла олишини кузатиш мумкин. Масалан, социализациянинг оила маскани шахс шаклланиши, тарбиясида энг мухимларидан бири ҳисобланади. Чунки айнан оилада, инсон ижтимоий таъсирининг биринчи тажрибасини орттиради. Маълум муддатга бола учун фақат оилагина ижтимоий таъсирини беради. Кейинчалик болалар боғчаси, мактаб, олийгоҳлар, маҳалла, кўча масканларида шахс ижтимоий таъсирлар олади, лекин оила энг асосий манба сифатида инсон умри давомида қолаверади.

Оила мухитда кечадиган социализацияжараёнининг муҳим икки йўналиш мавжуд. Биринчидан, боланинг бевосита ота–онаси, ака–опалари билан бўладиган ўзаро таъсирларида ижтимоий тажриба орттирилса, иккинчидан, оиладаги аъзоларининг ўзаро муносабатларини кузатиш орқали ҳам бу жараён кечади. Психология фанида шахс атрофидаги кишиларнинг ўзаро муносабатлари ва турли холатларда намоён бўладиган хулқ–атворларини кузатиш орқали ўзлаштириб бориш ҳодисаси викар ўзлаштириш деб аталади. Ана шундай шахслараро муносабатларни кузатиш орқали ижтимоий тажрибага эга бўлиш айни оила ўчоғида амалга оширилади. Социализациянинг бошқа масканларида шахс ўзини оиладагидек очиқ ва тўлиқ намоён эта олмайди. Ўзга, нотаниш кишилар билан бўладиган шахслараро муносабатларда ҳар қандай шахс ўзини тўлалигича намоён этмайди, ҳулқ–атворидаги фазилатларининг кўпрок ижобий жиҳатларини кўрсатади. Шунинг учун шахс тарбияси, камолоти тўғри кечишида социализациянинг оила муассасасининг аҳамияти ва ўрни беқиёсдир.

## ***Мавзу бўйича таянч сўзлар***

Социализация, соҳалари, босқичлари, муассасалари, викар ўзлаштириш, ижтимоий тажриба.

***Мавзу юзасидан семинар машғулотида муҳокама учун саволлар:***

1. Социализация жараёнининг моҳияти.
2. Социализация босқичлари ва соҳалари.
3. Шахс социализациясида муассасаларнинг ўзига хос таъсири.
4. Шахс йўналишларининг барқарорлиги ва уйғунлиги масаласи.

***<u>Адабиётлар:</u>***


1. Абрамов М. Практическая психология. –М.: Мысль, 1997.–312с.
2. Каримова В.М. Ижтимоий психология асослари. Т.:.Ўқитувчи, 1994й.
3. Психология. Учебник. – М.: ПРОСПЕКТ, 1998. – 584с.
4. Андреева Г.М. Социальная психология. Учеб.–М.: АгентПресс, 1997.–376с.
5. Социальная психология и этика делового общения–Под ред Дорошенко В.Ю. и др. Учеб. пос. – М.: 1995. – 160с.
6. Каримова В.М. “Ижтимоий психология асослари” Т. 2004й.
7. Ғозиев Э. “Шахс психологияси” Т. 2004й.

## *5–мавзу. Турли тараққиёт даврларида шахснинг ривожланиши*

**Режа:**

1. Шахс тараққиётида биологик ва ижтимоий омиллар.
2. Психик тараққиётнинг даврларга бўлиниши.
3. Турли тараққиёт даврларида социализациянинг ўзига хос кечиши.
4. Шахс «етуклигининг» мезонлари.

Инсон шахси тараққиётида биологик ва ижтимоий омилларни ўзаро нисбати муаммолари психологияда мунозарали ва мураккаб масалалардан бири ҳисобланади. Психологияда шахсда икки омил биологик ва ижтимоий омиллар таъсирида шаклланган иккита асосий кичик структура мавжудлигини таъкидлайдиган назария сезиларли ўрин эгаллайди. Инсон шахснинг ўзи «эндопсихик» ва «экзопсихи» тузилишга эга, деган фикр илгари сурилди. Шахс тузилишининг кичик структураси сифатидаги «эндопсихик» тузилиш бамисоли кишининг нерв–психик тузилишга ўхшаш бўлган инсон шахсининг ички механизми каби психик қисмлар ва функцияларнинг ўзаро ички боғлиқлигини ифода этади. «Экзопсихика»нинг ташқи муҳитга муносабати билан, яъни шахс қандай бўлмасин, барибир муносабатга киришиши мумкин бўлган ва шахсга қарама–қарши турадиган тузилишларнинг барчасига муносабати билан белгиланади.

«Эндопсихика» мойиллик, хотира тафаккур ва ҳаёл ҳусусиятлари, иродавий зўр бериш, ташқи таъсирларга берилувчанлик каби бошқа хислатларни, «экзопсихика» эса киши муносабатлари системасини ва унинг тажрибасини, яъни унинг қизиқишларини, идеалларини, мойилликларини, устун даражадаги ҳис–туйғуларини, шаклланган билимлари ва бошқа белгиларини ўз ичига олади. Табиий асосдаги «эндопсихика» ижтимоий омил билан белгиланади, «экзопсихика» эса биологик жиҳат билан боғлиқдир.

Тарихий жараённинг айни бир вақтда ҳам маҳсули, ҳам субъекти бўлган инсон шахси ижтимоий тузилиши билан ёнма–ён жойлашаётган ва тенг ҳуқуқга эга бўлган биологик тузилишни сақлаб қола олмайди. Индивид ривожланишининг табиий шароитлари, унинг жисмоний тузилиши нерв ва ички секреция безлари системаси, жисмоний тузилишидаги афзалликлари ва нуқсонлари унинг индивидуал–психологик ҳусусиятлари шаклланишига таъсир кўрсатади. Лекин биологик омиллар киши шахсининг таркибига сингиб ижтимоий омилга айланиб қолади ва кейинчалик ижтимоий шаклда мавжуд бўлади. Шахс шаклланишида унинг ижтимоий ва табиий хислатлари бирликни ташкил этади ва шахснинг мустақил кичик тузилиши сифатида бир–бирига ўзидан ўзи қарши қўйилмайди.

Шахснинг шаклланишида биологик ва ижтимоий омилларнинг аҳамиятини бир қанча психологлар илмий ишларида изчил ўрганган бўлиб, улардан бир қанчаларининг фикр ва қарашларини келтирамиз.

Америкалик руҳшунос С.Холл Геккелнинг эволюция қонуниятини психологияга кўчирди. Унинг фикрига кўра, «ирсият» филогенезни оногенезда такрорлайди. Олимнинг талқинича, гўдаклик ҳайвонларга хос ривожланиш

палласидан бошқа нарса эмас, болалик эса асосий машғулоти овчилик ва балиқчилик бўлган қадимги кишиларнинг даврига айнан мос келади. 8-12 ёшлардаги ўсиш даври ёввойиликнинг охири ва цивилизациянинг бошланишига тенг. Ўспиринлик эса жинсий етилишдан бошланиб етуклик давригача романтизмга баробардир. Швейцариялик психолог Э.Клапаред С.Холлдан фарқли равишда, онтегенез ва филогенезда шахс психик функциясини ўрганиш учун қуйидаги ҳолатларга аҳамият беради:

а) организм эҳтиёжини қондириш;

б) рефлектор ҳаракат тўсиққа дуч келса, онгли ҳаракат вужудга келади;

в) унга нисбатан эҳтиёж сезса, унда маълум фаолият турига йўналтирилади. Француз психологи Э.Дюркгейм ўсиш–кишиларнинг ҳис–туйғусини ўзлаштириш эканини, шу туфайли, идрок қилинган ташқи фикрлар ва эмоциялар боланинг руҳий фаолиятини ифодаланишини, бола тажриба, анъана, урф–одатларни тақлид орқали эгаллашини, биологияда ирсият қанчалик аҳамиятли бўлса, тақлид ҳам жамиятда шундай ўрин тутишини уқтиради.

Швейцариялик психолог Ж.Пиаже инсоннинг камол топишини бир неча даврларга ажратиб ўрганиши тавсия этади:

1. Бола–ташқи муҳит–маълумотларни қайта ишлаш.
2. Тафаккур: а) ижтимоий давргача; б) ижтимоий давр.
3. Интеллект: а) сенсомотор–2 ёшгача б) операционал давргача 2–7 ёш;

в) яққол операциялар даври 8–12; г) расман, формал операция даври – 12–15 ёшгача.

Шахс психик тараққиётининг даврларга бўлиб тадқиқ этилган назарияларда келтирсак, америкалик психолог Э.Эриксоннинг инсон умрини ўзига хос бетакрор ҳусусиятларга молик 8 та даврга ажратадиган таълимоти аҳамиятлидир. Унга кўра:

Биринчи давр–гўдакликда ташқи дунёга онгсиз «ишонч» туйғуси вужудга келади. Бунинг бош сабаби ота–онанинг меҳр–муҳаббати, ғамхўрлиги ва жонкуярлигидир. Агар гўдакда ишончнинг негизи пайдо бўлмай, борлиққа ишончсизлик туйғуси пайдо бўлса, вояга етган одамларда маҳдудлик, умидсизлик вужудга келиш шубҳасиздир.

Иккинчи давр–илк болаликда ярим мустақиллик ва шахсий қадр–қиммат туйғуси шаклланади ёки аксинча, уят ва шубҳа ҳисси ҳосил бўлади. Болада мустақилликнинг ўсиши унга ўз танасини бошқариш учун кенг имконият яратиб, бўлғуси шахс ҳусусиятларидан тортиб унда маъсулият, интизом, жавобгарлик, ҳурмат туйғулари таркиб топишига замин ҳозирлайди.

Учинчи давр–ўйин ёши деб аталади ва унга 5–7 ёшли болалар киради. Бу даврда ташаббус туйғуси, қандайдир ишларни амалга ошириш, бажариш майли таркиб топади. Мабодо боладаги ҳоҳиш истакни рўёбга чиқариш йўли тўсиб қўйилса, бунинг учун у ўзини айбдор деб ҳисоблайди. Мазкур даврда давра, яъни гуруҳ ўйинларга, тенгқурлари билан мулоқотга киришиш муҳим аҳамият касб этади: бола турли роллар бажариб кўришга интилади, унинг ҳаёлоти ўсишига имкон яратилади. Худди шу давра болада адолат туйғуси, уни тушуниш майли туғила бошлайди.

Тўртинчи давр–мактаб ёши боладаги асосий ўзгаришлар: кўзлаган мақсадига эришиш учун интилиш, уддабуролик ва тиришқоқлик билан ажралиб туради.

Унинг энг муҳим қадрияти омилкорлик ва маҳсулдорликдан иборатдир. Бу ёш даврининг салбий жиҳатлари ҳам бўлиб, улар ижобий хислатлари етарли бўлмаслиги, онг ҳаётнинг барча қирраларини қамраб ололмаслиги, муаммоларни ҳал қилишда ақл–заковат даражасининг пастлиги, билимларни ўзлаштиришдаги қолоқлик ва ҳоказолардир, шу даврда шахснинг меҳнатга муносабати шакллана бошлайди.

Бешинчи давр–ўспиринлик бетакрор хислати, ўзига хослиги, бошқа одамлардан кескин фарқланиши билан характерланади. Шунингдек, ўспиринлик шахс сифатида ноаниқлик муайян ролни уддаламаслик, қатъиятсизлик каби салбий сифатларга ҳам эга. Мазкур даврнинг энг муҳим хусусияти «ролини кечиктириш»нинг ўзгариши ҳисобланади. У ижтимоий ҳаётда бажараётган роллар кўлами кенгаяди, лекин уларни барчасини жиддий эгаллаш имкониятига эга бўлмайди, шунингдек, ролларни ўзида синаб кўриш билан чекланади, холос.

Олтинчи давр–ёшлик бошқа жинсга психологик интим яқинлашув қобилияти ва эҳтиёж юзага келиши билан ажралиб туради. Бунда айниқса, жинсий майл алоҳида ўрин тутади. Ёшлик танҳоликни ёқтириш, одамовилик каби ёқимсиз ҳусусият билан ҳам фарқланади.

Еттинчи давр–етуклик даврида ҳаётий фаолиятнинг барча соҳаларида маҳсулдорлик туйғуси узлуксиз ҳамроҳ бўлади ва эзгу ниятларнинг амалга ошишида туртки бўлади. Бу даврда айрим жиҳатларда турғунлик туйғуси салбий ҳусусият сифатида ҳукм суриши мумкин.

Саккизинчи давр–қарилик, инсон сифатида ўз бурчини уддалай олганлигидан, қаноатланиш ҳусусиятлари мавжуд. Салбий ҳусусият сифатида ҳаёт фаолиятидан кўнгил совиш, ноумидликни айтиш мумкин. Энг муҳим жиҳати эса донолик, софлик, гуноҳлардан фориғ бўлиш ҳар бир ҳолатга шахсий ва умумий нуқтаи назардан қараш.

Шунингдек, чет эл психологиясида шахс психик тараққиётини турли ёш даврларига ажратиб тушунтиришни қатор психологлар: Ж.Пиаже, Б.Заззо, Д.Бромлей, Г.Гримм, Дж.Биррен ишларида келтирилган.

Рус психологиясида Л.Вўготский шахс ривожланишида руҳий янгиланишларга асосланиб ёш даврларини қуйидагича табақалайди:

1. Чақалоқлик даври инқирози.
2. Гўдаклик даври–2 оёликдан 1 ёшгача. 1 ёшдаги инқироз.
3. Илк болалик даври–1 ёшдан 3 ёшгача инқироз.
4. Мактабгача давр–3 ёшдан 7 ёшгача. 7 ёшгача инқироз.
5. Мактаб ёши даври–8 ёшдан 12 ёшгача. 13 ёшгача инқироз.
6. Пубертат (жинсий етилиш) даври–14 ёшдан 18 ёшгача.

17 ёшдаги инқироз.

Л.И.Божович шахс шаклланишида мотивларни асос қилиб олади: биринчи босқич–чақалоқлик 1 ёшгача, иккинчи босқич мотивацион тасаввур–1–3 ёш, учинчи босқич–«мен»ни англаш даври–3–7 ёшгача, тўртинчи босқич–ижтимоий жонзотларни англаш даври–7–11 ёшгача, бешинчи босқич–а) ўз–ўзини англаш даври–12–14 ёш; б) ўз ўрнини белгилаш, топиш даври–15–17 ёш.

Д.Б.Эльконин таснифи етакчи фаолият нуқтаи назардан тушунтирилади:

1) гўдаклик даври–1 ёшгача–асосий фаолият–бевосита эмоционал мулоқот;

2) илк болалик даври–1–3 ёш асосий фаолият–предмет билан нозик ҳаракатлар қилиш;
3) мактабгача давр–3–7 ёш–асосий фаолият ролли ўйинлар;
4) кичик мактаб ёши даври–7–10 асосий фаолият–ўқиш;
5) кичик ўсмирлик даври–10–15 ёш асосий фаолият–шахснинг интим мулоқоти;
6) катта ўсмирлик ёки илк ўспиринлик даври–16–17 ёш асосий фаолият ўқиш, касб танлаш.

Шунингдек, психологияда А.В.Петровский (социал–психологик ёндашиш), А.А.Люблинская (фаолият нуқтаи назаридан), В.А.Крутецкий (отногенетик камолот босқичлари), Д.И.Фельдштейн (ижтимоий ёндашиш) каби психологларнинг таснифлари мавжудлигини қайд этиш мумкин.

Психик тараққиёт жараёни мураккаб бўлганлиги сабаби шахс ривожланишининг турли босқичларини умумий тарзда ушбу даврларга ажратиб кўрсатишни лозим деб ҳисоблаймиз:

1) гўдаклик даври–1 ёшгача;
2) илк болалик даври–1–3 ёшгача;
3) мактабгача ёшдаги болалар даври–3–6,7 ёшгача;
4) кичик мактаб ёшидаги болалар даври 7–11 ёшгача;
5) ўсмирлик: биринчи даври–15–17 ёш иккинчи давр–17–21 ёш;
6) етуклик ёши: биринчи даври–21–35 ёш иккинчи даври–35–60 ёш;
7) қарилик даври–60–90 ёш;
8) узоқ умр кўрувчилар даври–90 ёшдан юқори.

Кўриб ўтилган назариялар шахс ривожланишида турли ёш даврларининг кечиши муқаррар жараён эканлигини кўрсатади. Бу ёш даврларида шахснинг шаклланиши ва етукликка эришишида аввалги мавзуларимизда кўриб ўтилган социализация институтларининг ўзига хос таъсири беқиёсдир. Ҳар бир тараққиёт давр социализация жараёнида ўзига хос бўлган қонуниятларни бошидан кечиради ва ўзига хос бўлган ҳусусиятларни намоён қилади, ўзига хос бўлган фазилатларни шакллантиради.

## ***Мавзу бўйича таянч сўзлар***

Эндопсихика, экзопсихика, ижтимоий омил, биологик омил, тараққиёт назариялари.

## ***Мавзу юзасидан семинар машғулотида муҳокама учун саволлар:***

1. Шахс тараққиётидаги биологик ва ижтимоий омиллар.
2. Психик тараққиётнинг даврларга бўлиниши.
3. Турли тараққиёт даврларида социализациянинг ўзига хос кечиши.
4. Шахс «етуклигининг» мезонлари.

## ***Адабиётлар:***


1. Немов Р.С. Психология. Кн. 1. М.: Просвешение.–1994.–576 с.
2. Ғозиев Э. Психология. – Т.: Ўқитувчи, 1994.–300 б.
3. Психология Учебник. – М.: ПРОСПЕКТ, 1998.–584 с.
4. Климов Е.А. Основы психологии. Учеб.–М.: ЮНИТИ, 1997.–295 с.
5. Годфуруа Ж. Что такое психология. Т. 2.–М.: Мир, 1992.–376 с.
6. Каримова В.М. “Ижтимоий психология асослари” Т. 2004й.
7. Ғозиев Э. “Шахс психологияси” Т. 2004й.

## ***6–мавзу. Шахснинг индивидуал–типологик ҳусусиятлари ва уларни ўрганиш усуллари***

**Режа:**

1. Индивидуал–типологик ҳусусиятлар классификацияси.
2. Шахс қобилиятлари, лаёқат ва иқтидор тушунчалари.
3. Темперамент ва шахс. Темперамент типлари.
4. Характер типологияси. Характернинг ирода, ҳиссиёт ва фаолият мотивларига боғлиқлиги.

Ҳар бир кишининг шахси унинг индивидуаллигини вужудга келтирадиган хислатлар ва фазилатларнинг фақат унга хос бирикувидан таркиб топгандир. Индивидуаллик–кишининг ўзига хослигини, унинг бошқа одамлардан фарқини акс эттирувчи психологик фазилатларнинг йиғиндисидир. Индивидуаллик темперамент ва характер ҳусусиятларида, одамларда устун даражадаги қизиқишларда, билиш жараёнларига оид фазилатларда, қобилиятларда, фаолиятнинг шахсга хос услуби ва ҳ.к.ларда намоён бўлади. Инсон шахси ўз индивидуаллигига кўра такрорланмас.

Шахснинг барча психик кўринишлари унинг ҳаёти давомида шаклланиб боради. Инсоннинг индивидуал–психологик ҳусусиятлари дейилганда қобилиятлар, темперамент, характер, эмоциялар, мотивацион доиралар тушунилади. Бу психологик ҳусусиятлар ажралмас тарзда мавжуд бўлиб ўзаро боғлиқ, шартланган, инсон фаолиятида бир–бирига бирикиб кетади. Кишиларнинг индивидуал ҳусусиятларини ҳисобга олган холда ва улар ҳақидаги билимлар амалий ҳаётда қўлланилиши катта аҳамиятга эга бўлиб, ижтимоий фаолият ва қобилиятларни тўлиқ ривож топишида муҳим роль ўйнайди.

Шахснинг индивидуал–психологик ҳусусиятларини инобатга олиш орқали у билан мулоқот қилиш шахслараро муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, ҳар бир шахсда ўзига хос тарзда дунёни, одамларни идрок қилиш ва тушуниш қобилияти борки, улар мулоқот жараёнида камроқ хатоларга йўл қўйишни таъминлайди. Масалан, босиқлик, мулоҳазалилик, ўзгаларнинг ички дунёсини гаплари, хатти–ҳаракатларига қараб билиш қобилияти ва бошқалар шулар жумласидандир. Шу фазилатларни қанчалик намоён эта олишига қараб шахс типлари фарқланади.

1. Эксроверт ва интроверт типлар. Бу типлар шахсда ўзгалар билан мулоқотга кириша олиш қобилиятига кўра фарқланади. Масалан, экстроверт–ўта мулоқотга киришувчан, ўзини одамлар гуруҳисиз тасаввур қила олмайдиган шахсдир. Унинг учун мулоқот ҳақиқий эҳтиёжидир, бошқаларнинг уни тушуниш–тушунмасликларидан қатъий назар, у доимо ўз фикр–истакларини ўртоқлашгиси келади. Экстроверт учун конкрет ким биландир мулоқотда бўлиш эмас, умуман ким билан бўлса ҳам муқотда бўлиш хоҳиши муҳим. Шунинг учун ҳам у умуман бегона одам билан гаплашиб, киришиб кета олади. Гаплашгиси келмаган бегонанинг психологиясини тушуниши қийин («Қандай қилиб гаплашишни

ҳоҳламаслик мумкин?», -деб ўйлайди у). Экстровертнинг қизиқишлари ҳам тез–тез ўзгариб туради, дўстлари, ўртоқлари билан бўлган муносабатларда уларни алмаштириб туришга интилади. Бундан ташқари, у ўта киришувчан бўлганлиги учун ҳам ҳар қандай шароитда вазиятда чиқиш усуллари тўғрисида тез хулосага келади, ўта қизиқувчанлик, дунёда бўлаётган ҳодисалар, «миш–мишлар»ни билиш унинг учун зарур. Экстроверт кек сақламайди, бугун уришган одами билан эртагача ҳеч нарса бўлмагандай апоқ–чапоқ бўлиб кетиши мумкин.

Интроверт эса экстровертнинг тескариси. У кўпроқ ички диалог формасидагина мулоқотни афзал кўради, яъни ёлғизликда мулоҳаза юритиш, ўзи ҳақида ўйлаш ва шунга ўхшаганлар унинг учун асосий ишдир. Шунинг учун ҳам мулоқотга установка жуда суст, одамларнинг уни тушунмай қолишларидан доимо хавотирда бўлади. Интроверт китоблар олами, фалсафий фикрлар қулидир, чунки у одамлар гуруҳида содир бўлиб турадиган зиддиятлардан чўчийди, ўзини олиб қочади. Агар мулоқотда бўладиган бўлса, 2–3 кишидан ортиқ бўлмаган гуруҳни афзал кўради. Шунда ҳам ҳар куни эмас, баъзан–баъзан учрашиб туриш, гаплашганда ҳам шахсий мавзуларда эмас, умумий гаплар ҳақида сухбатлашишни яхши кўради. Чунки у экстровертдан фарқ қилиб ўз «мен»ининг бошқаларга ўхшамаслигини доимо эсда тутади. Интроверт доимий стандартлар, белгиланган нормалар оламида яшайди, қизиққан нарсаси билан умрини охиригача бўлса ҳам шуғулланишга тайёр, умр йўлдошига содиқ, вафодор. Дўстларга ҳам худди шундай.

2.Мойил ва ригид типли суҳбатдош. Бу шахс типлари мулоқотга киришиш мезонига кўра фарқланади. Масалан, мобил тип ҳар қандай иш билан машғул бўлган шароитда жуда тез мулоқотга киришади, лекин бошқа нарсаларга кўчиш мумкин. У тез гапиради, доимо шошади, юз ифодалари ҳам тез ўзгаради. Суҳбат мавзусини ҳам тез–тез ўзгартириб туришга мойил. Гаплашиб кетиши қанчалик осон бўлса, гапни тугатиб, хайрлашиб кетиши ҳам осон. Суҳбат тугагандан кейин қолган ишини давом эттириб кетаверади.

Ригид суҳбатдош эса унинг акси. Бундай шахс қатъиятли, дадил бўлса ҳам, бир фаолият туридан иккинчисига кўчиши жуда қийин, у маълум муддатни талаб қилади. Чунки у ўйламасдан таваккал иш қила олмайди. Масалан, у хат ёзаётган пайтда кириб қолсангиз, то бирор бўлагига нуқтаи қўймагунча сизга қарамайди. Қарагандан кейин эса, тезгина мулоқотга кириша олмайди. Ригид шахс жуда яхши суҳбатдош. Мобил типдаги суҳбатдош билан гаплашаётганда у тез–тез гапни бўлиб, суҳбатдошга ташаббусни бергиси келмайди, ригид эса жуда диққат билан тинглайди. Лекин ўзи гапирганда, секин, мантиқан тўғри гапиришни яхши кўради, гапини бўлишларини сира истамайди. Агар суҳбатни бўлсангиз, кейинги сафар сиз билан гаплашмай қўя қолишни афзал кўради, агар у билан уришиб қолсангиз, анча вақтгача унинг аччиғи келмайди, сизни охиригача эшитиб, секин жавоб беради, аччиғи одатда сиз кетгандан кейин келади. Агар суҳбатдоши тоқатсиз одам бўлса, иккаласининг чиқишиши қийин, чунки у узоқдан келиб тушунтиришни яхши кўради. Демак, бу типлар ҳам ҳар хил, бирида ҳам яхши, ҳам ёмон сифатлар мавжуд.

3. Доминант ва тобе типли шахслар. Доминант тип мулоқот жараёнида сира ҳам бошқалардан паст келишини хоҳламайди, савол берилса, хоҳласа жавоб

беради, бўлмаса, индамаслиги ҳам мумкин. У доимо суҳбатдошга таъсир кўрсатиш, унинг буйсинишини хоҳлайди. Унда эгоизм кучли, ўзи хато фикр юритса агар хатолигини суҳбатдош сезса ҳам уни бўйинига олмайди. Доминант тип–қатъиятли. Суҳбат давомида у сизнинг фикрингизни ярим йўлда тушунса, сизни охиригача тинглашни истамайди гапни бўлиб, майинлик билан гапни тугатиб қўйиши мумкин. Агар иккала суҳбатдош ҳам доминант бўлса, унда улар ўртасида осонгина рақобат чиқиши, келишмай қолишлари мумкин. Шунинг учун жанжаллашиб қолмаслик учун доминант шахснинг мустақиллиги, дадиллигига кўниш, унга ўз нуқтаи назарини охиригача баён этиш имкониятини бериш лозим.

Тобе типли шахс эса суҳбатдошнинг қарашларига мослашади, доимо ён беришга тайёр, шунинг учун ҳам у кам жанжаллашади, лекин ёмон кўриб қолган одами билан умуман гаплашмайди. Суҳбат шароитидагина у аста–секин ўзининг дадиллигини кўрсатиши, очиқ гаплашиши, баъзан эътирозлар билдириши мумкин. Тобе шахсли болаларни рағбатлантириш мақсадга мувофиқдир, шунинг учун ҳам уларни мақтаб туриш, гапираётганда кўзлар ва юз ифодалари билан уларни руҳан қўллаб туриш керак. Бирор қарорга келиш керак бўлиб қолса, қарорни яхшиси сиз қабул қилишингизни хоҳлайди, чунки жавобгарликни бўйнига олишни истамайди.

Кўриб ўтилган шахснинг экстроверт ва интроверт ҳусусиятлари швецариялик медик ва психолог Карл Густав Юнг томонидан 1923 йилда асослаб берилган. Ҳозирги кунга келиб психология фанида шахснинг иқтидор ҳусусиятлари, қобилиятларини аниқлаш учун Кеттел, Спирмен, Бине, Айзенк, Равен ва бошқа тестлардан фойдаланилади.

Шахснинг индивидуал–психологик ҳусусиятларини акс эттирувчи тушунчалардан бири–темпераментдир. Теперамент бу лотинча сўз бўлиб, қисмларнинг бир–бирига муносабати маъносини англатади ва шахснинг индивидуал–психологик ҳусусиятларини мажмуини билдиради. Темперамент шахснинг хулқ–атвори ва фаолиятининг динамик ва эмоционал томонлари билан характерланади.

Темперамент тўғрисидаги ғоя ва билимлар қадимдан қадим дунё табиби Гиппократ ёзувларида қайд этилган. У темперамент тўғрисидаги тушунчаларни одам нерв системаси билан боғлаб эмас, балки, организмдаги турли суюқликлар: қон, лимфа, сафро кабиларга, боғлаб тушунтириб берган. И.Кант эса шахсдаги ҳиссийлик ва фаолиятга кўра кузатиладиган ҳусусиятлар мажмуини 4 гуруҳга бўлиб темпераментни тушунтирган. Ҳозирги замон психологиясида немис файласуфи И.Кант томонидан асосланган темперамент турларидан фанда фойдаланилади.

Холерик–фаол, қизиққон, ҳиссий кечинмаларни кескин ўзгартира оладиган, ҳиссий кечинмаларни кучли ифодаланган, оптимист, аразчи, кек сақламайдиган, бироз ёлғончироқ ҳам, ҳар қандай ишни кўтаринки руҳ билан бошлайди ва шу кўтаринки руҳ билан ташлаб кетади, бесабр, кайфиятга берилувчан.

Сангвиник–очиқ, киришувчанлик, сузомол, ташаббускор, қулайликни ёқтирадиган, человек–комфорт, яхши суҳбатдош, кўп ваъда бериб, лекин кўпинча уларни адо этмайди, меҳрибон, ёрдам беришга тайёр, қувноқ, экстроверт.

Флегматик–пассив, интилувчанлик, бошлаган ишини охиригача етказади, ҳиссий кечинмалари заиф ифодаланган, ўзини босиб олган, оғир вазмин, интроверт одам.

Меланхолик–ўта таъсирланувчан, кўпинча эзилган қиёфада, сиқилган кайфиятда юрувчи, оғир, одамови, нимадир унга етишмайди, ўзига ишонмайдиган, ҳавсирайдиган одам.

Шахс ва темперамент ўзаро шундай боғланганки, темперамент шахсга оид турли ҳусусиятларнинг асосини белгилайди. Темпераментдан шахснинг қуйидаги ҳусусиятларини аниқлаш мумкин: ҳиссийлик, ҳавотирлик, таъсирланиш, импульсивлик. Шахсда кўтарилган ҳусусиятларнинг у ёки бу даражада намоён бўлишига кўра унинг темпераментини белгилаш мумкин бўлади.

Темперамент шахснинг қобилиятларини ривожланишга ҳам ўз таъсирини бевосита кўрсатади. Диққат, ҳаракат, тезлик ва тормозланиш билан боғлиқ қобилиятларга темперамент таъсирини сезиларлидир.

И.П.Павлов темпераментини шахснинг олий нерв фаолияти фукнциялари билан боғлиқлигини асослаган ҳолда темпераментинг типларини кўрсатиб берди:
кучли, мувозанатли тез-сангвиник
кучли, мувозанатли, суст–флегматик
кучли, мувозанатсиз, тез–холерик
кучсиз, мувозанатсиз, суст–меланхолик

Психология фанида темперамент типологиясини кўрсатиб беришда конституцион типология ҳам мавжуд. Бу типология вакилларининг назариясига кўра шахс темпераменти унинг гавда тузилишига бевосита боғлиқ. Шунга кўра психологияда Э.Кречмернинг темперамент типологияси мавжуд: шизотимик, иқсотимик ва циклотемик. Шитозимик – астеник гавда ҳолатига эга бўлиб, унда қайсарлик, муҳитга секин мосланиш, ҳиссиётлар ўзгариши кузатилади. Иқсотимик–атлетик гавдали, ўзини босиб олган, жестларини бошқариб туради, лекин кўпинча майдагап. Циклотимик–пакана гавдали бўлиб, ҳиссиётлари қувонч ва қайғу чегарасида тебраниб туради, одамлар билан осон контакт ўрнатади, атрофдагиларга реал ёндашади.

Шунингдек, психологияда гавда ҳолати ва темперамент боғлигини У.Шелдон типологиясида ҳам кузатишимиз мумкин.

Одам шахсига доир индивидуал–психологик ҳусусиятлардан бири бу ҳарактер бўлиб, ҳарактер юнонча сўз бўлиб, ҳусусият, белги маъносини англатади. Ҳарактер–кишида барқарор психик ҳусусиятларнинг индивидуал бирлиги бўлиб, у шахснинг меҳнатга, атрофдаги нарса ва ҳодисаларга бошқа кишиларга ва ўз–ўзига бўлган муносабатларида ифодаланади. Ҳаракат шахснинг муайян шароит хатти–ҳаракатларни белгилаб берадиган индивидуал психологик ҳусусиятлар йиғиндисидир.

Характер жамиятда шахслараро муносабатларда пайдо бўлади ва ривожланади. Характер муносабатлар системасида намоён бўлар экан, унинг қуйидаги турларини кузатишимиз мумкин:

1. Бошқа одамлар билан бўладиган муносабатларда: бунда эътиборлик, тактлилик, қўполлик, мулойимлик, ёлғончилик, тўғрилилик, мулоқатга киришувчанлик, мулоқатга кириша олмаслик каби характер жиҳатлари кўринади.

2. Фаолиятга, ишга нисбатан бўладиган муносабатларда: бунда меҳнатсеварлик, виждонлилик, ишончлик, ташаббускорлик, ялқовлилик, маъсулиятлилик, маъсулиятсизлик каби жиҳатлар кузатилади.

3. Шахснинг ўз–ўзига бўлган муносабатида: бунда камтарлик, ўз–ўзини танқид, ўз–ўзини юқори баҳолаш, манмалик, гердайиш сингари томонлар кўринади.

4. Нарсаларга бўлган муносабатларда: бунда озодалик, тартиблилик, бетартиблик, қизғанчиқлик, ҳасислик, қўли очиқлик, тежамкорлик кабилар кузатилади.

Шахс характерининг шаклланишида унинг психик жараёнлари, психик холатлари, шахс ҳусусиятлари, характер ҳусусиятлари, характер кирралари узвий боғликдир.

Характерни ўрганиш жуда қадим замонлардан кишиларнинг диққатини жалб этган. Шунинг учун характерни тушунтиришда турли типологияларни кузатамиз.

Киши хулқ–атворини ўзига хос характер ҳусусиятларини унинг туғилган санасига кўра тушунтириш (гороскопларда) ёзилган бўлса, физиогномикада эса шахс характерини тушунтиришда унинг ташқи кўриниш белгилари: кўз, бурун, оғиз, кулгу орқали изоҳланади. Инсон характер ҳусусиятларини тушунтиришда унинг гавда тутиши, ўтириш ҳолатлари, оёқ ва қўлларнинг ҳолати орқали изоҳлаш ҳам кузатилади. Камида кишиларнинг кафтларидаги чизиқларга кўра характер ҳусусиятларини аниқлаш орқали хиромантия фани ривожланган бўлса, кишининг ёзуви, ҳусни хати орқали характер қирраларини кўрсатиб бериш графология фани функцияси ҳисобланади.

Шахс характерини тушунтиришда темперамент билан узвий боғлиқлик жиҳатларини Э.Кречмер, У.Шелдон типологияларида кузатамиз.

Характерни кўп вақт мобайнида ирода билан синоним сифатида тушунтириб келинган. Шунинг учун ҳам «иродали одам»ни «характерли одам» деб ҳам саналиб келинган. Шахс характери ирода билан узвий боғлиқ бўлиб, бунда қийинчилик, курашларда киши ҳусусиятларини намоён бўлиши назарда тутилади. Шунингдек ирода шахс олдига қўйган мақсадларига етишишида қанчалик хатти–ҳаракатлар амалга оширишида, қатъиятлилик, маъсулиятли бўлишида ҳам кузатилади. Гоҳида иродаси суст ифодаланган «характерсиз» деб ҳам таърифланади.

Шахс характерини кузатилишида унинг ҳиссиёти ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу туфайли ўз даврида К.Д.Ушинский: «ҳеч нарса, на сўз, на фикр, на хатти–ҳаракатлар ҳиссиёт каби кишининг ташқи оламга муносабатини кўрсатиб беролмайди», - деб ёзган. Шахс характерини ифодалашда унинг ҳиссиёти ёрқин мезон бўла олади.

Характер ижтимоий ижтимоий муносабатларда системасида шаклланиб ривожланар экан, албатта шахс фаолияти, фаолият мотивлари муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун шахснинг ўйин, таълим ва меҳнат фаолиятларида инсон характеридаги кўп ҳусусиятлар намоён бўлганлигини кузатамиз.

Кўп табиий қобилиятлар одам ва ҳайвонларда бир тарзда кўринади, масалан, хотира, сезгилар, тафаккур, элементлар коммуникайияларга эгалик. Кишиларда умумий қобилиятлар сифатида қўл харакатларининг нозиклиги ва аниқлиги, ривожланган хотира, ақлий қобилиятлар, равон нутқ ва бошқалар кўринади.

Маҳсус қобилиятларга эса мустақил математикага, спортга, адабиётга, техникага, шахматга, ижодга ва бошқаларга сингари турлари киради. Шунингдек, баъзи кишиларда мантиқий назарий фикрлаш юксак бўлса, бошқа одамларда олинган билимларни амалиётга қўллаш маҳорати яққол ифодаланган бўлади. Кимдир ўқув фаолиятида билим ва тарбия олишда юксак қобилиятини билдирса, кимдир эса, янги ихтиролар, янгиликларни яратмоқ ишида ижодий фаоллик қобилиятларини намоён этади.

Одамлар орасида мулоқот муносабатларида эса кимдир ўзининг бошқа одамлар билан осон киришиб кетиши, ўзгаларни тушуниши ва ҳис қилишини кўрсатса, бошқа одамлар эса муҳитга тез мослашиш, одамларни ўз таъсирига ўтказиш, уларни ўз нуқтаи назарига оғдириш қобилиятлари мавжудлигини сездиради. Кимдадир нутқ, ораторлик қобилиятлари яққол кўринса, кимдир ташкилотчилик, коммуникатив қобилиятларини кузатилади.

Агар шахсда шу кўриб ўтилган турли қобилиятлар юксак даражада бир кишида кўпроқ кузатилса, у ҳолда бу шахсни иқтидорли деб аталади. Иқтидорли одамлар ўзининг эътиборлигини, фаолиятга доимо йўналганлиги, қўйган мақсадига интилувчанлиги, меҳнат қилишга чанқоқлиги ва ўртадан юқори бўлган ақли билан ажралиб туради. Иқтидорли одамлар ўз қизиқиш соҳасига нисбатан тинмай эътибор билан кўринади. Фанда шахснинг иқтидор қобилиятларини аниқлаш учун маҳсус психологик тестларда фойдаланиб келинади. Бунда иқтидорли деб тан олинаётган шахс интеллект коэффициенти–топилади. Масалан, жаҳон чемпион (шахмат бўйича) Гарри Каспаровнинг интеллект коэффициенти 135 эканлиги аниқланган, Гётенинг инт. Коэф. ти 200 эканлиги, Эйнштейннинг эса инт. коэф. ти 180 га тенглиги топилган.

Э.Кречмер шахс психологияси типологиясининг негизига бир қанча биологик омилларни киритиб, инсоннинг жисмоний типи билан ўсишининг хусусияти ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд деб тахмин қилади ва одамларни иккита катта тоифага: циклоид ва шизоидларга ажратади. Унинг фикрича, циклоид шахс тез қўзғалувчи, ҳис–туйғуси ўта беқарор бўлади. Шиозид эса, одамови, муносабатга қийин киришувчи, ҳис–туйғуси чекланганлиги билан ажралиб туради.

Юқорида келтирилган шахс типларини кузатар эканмиз, барчасида яхши ва ёмон, ноқулай сифатлар борлигини кузатамиз. Хаётда купинча соф у ёки бу тип вакили учрамайди, лекин у ёки бу вазиятларда такрорланадиган фазилатларга қараб одамларни типларга буламиз. Бундан ташкари, бир марта куришда одам хақида хулоса чиқариб булмайди,уни турли шароитларда бир неча марта кузатиш лозим.

Қобилиятлар индивидуал-психологик хусусиятлар сифатида, бир одамнинг бошқа одамдан фарқ қиладиган белгилари каби таърифланади.Қобилиятлар шахснинг мазкур фаолиятини муваффақиятли амалга ошириш шарти хисобланган ва бунинг учун зарур билим, куникма ва малакаларни эгаллаш динамикасида юзага чиқадиган фарқларда намоён буладиган индивидуал-психологик хусусиятлардир.

Агар шахснинг маълум сифатлар йиғиндиси бирор вақт ичида куйилган талабларга жавоб берса, бу нарса бизга унда мазкур фаолиятга қобилият борлиги туғрисида хулоса чиқаришга асос булади.Агар киши худди шунақа бошқа шароитларга унинг олдига фаолият рубару қиладиган талбларнинг уддасидан чиқа

олмаса, ундатегишли қобилиятлар йуқ деб тахмин қилишга асосдир. Қобилиятлар кишининг шундай психологик хусусиятларидирки, билим, куникма, малакалар орттириш шу хусусиятларга боғлиқ булади, лекин бу хусусиятларнинг узлари мазкур билим,куникма ва малакаларга таалуқли булмайди.Қобилиятлар фақат фаолиятда шунда хам фақат ана шу қобилиятларсиз амалга оширилиши мумкин бцлмаган фаолиятдагина намоён булади.Агар кишини ррасм чизишга ургатишга хам уринишмаётган булса, агар бу фаолият учун хеч қандай куникмани эгалламаган булса, унинг расм солиш қобилиятлари туғрисида гап булиши хам мумкин эмас. Фақат тасвирий саънатга махсус уқитиш жараёнида уқувчида қобилиятбор ё йуқлиги аниқланиш мумкин.Бу унинг иш усуллари ва ранг муносабатларини қанчалик тез ва осон узлаштириб олишида намоён булади.

Қобилиятлар шахснинг маълум фаолиятидаги муваффақиятларини ва осонлик билан фаолиятни эгаллай олишини таъминлайдиган индивидуал-психологик хусусиятлар эканки, психология фани луғатида берилган бу таърифи Б.М.Тепловнинг « Қобилият ва иқтидорлик » китобидаги тушунчалар билан янада тулдириш мумкин: Қобилият тушунчасида асосан учта ғоя мужассам, «биринчидан, қобилият деганда бир кишининг бошқа кишидан фарқ этиб турадиган индивидуал-психологик хусусиятлар тушунилади…Иккинчидан, қобилиятлар деб хар қандай индивидуал хусусиятлар эмас, балки бирор фаолиятни ёки куп фаолиятларни муваффақиятли амалга оширишга имкон берадиганлари тушунилади.Учинчидан, қобилият тушунчаси шахсда мавжуд булган билим, куникма ва малакаларни билдирмайди».

Б.М.Теплов фикрига кура, қобилиятлар доимо ривожланмай туролмайди.Ривожланмаган, киши фаолиятида қулланилмай қолган қобилият вақт утиши билан йуқолади.Куп ва мунтазам равишда шуғулланиш орқали шахсда мураккаб фаолият сохаларига нисбатан қобилиятлар ривожланади.Масалан, мусиқа, техника, бадиий ижод, математика, спорт ва хоказолар.

Киши шахси қобилиятларининг хилма-хил турлари мавжуд.Биринчи навбатда кишида мавжуд булган табиий ёки биологик қобилиятлар фарқланса, кейингилари сифатида махсус, умумий,назарий, амалий, уқув,ижодий, мулоқотга оид,фаолиятга, билишга оид кабиларни келтириш мумкин.

Демак, шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларини билиш, кузатиш,тушуниш барча касб учун мухим булиб, шахслараро муносабатларини туғри ва самарали олиб боришда юқоридаги билимларни янада узлаштириш керак булади.

Мавзу юзасидан таянч сузлар:қобилиятлар, лаёқат, иқтидор, характер, темперамент, экстровесия, интроверсия, мобил, ригид, доминант,тобе, сангвиник, холерик, меланхолик, флегматик.

***<u>Мавзу бўйича семинар машғулотларида мухокама учун саволлар.</u>***

1.Шахснинг индивидуал-психологик классификацияси.

2.Шахс қобилиятлари. Лаёқат ва иқтидор тушунчалари.

3.Темперамент ва шахс. Темперамент типлари.

4.Характер типологияси. Характернинг ирода, ҳиссиёт ва фаолият мотивларига боғлиқлиги.

Адабиётлар:


1. Умумий психология.Т.:Ўқитувчи, 1992-512 б.
2. Немов Р. С. Психология. В 2-х Кн.I. Общие основы психологии. М.: Просвешение. 1994.-576 с.
3. Гамезо М. В., Домашенко И. А. Атлас по психологии.-М.: Просвешение, 1986.-272 с.
4. Общая психология: курс лекций. Сост. Е. И. Рогов. М.: 1998.-448 с.
5. Каримова В. М. Ижтимоий психология асослари. Е.: 1994.-96 с.
6. Каримова В.М. “Ижтимоий психология асослари” Т. 2004й.
7. Ғозиев Э. “Шахс психологияси” Т. 2004й.

## *7-мавзу. Шахснинг билиш жараёнлари ва уларни ривожлантириш*

**Режа:**

1. Билиш жараёнларини турлари.
2. Сезги ва идрок жараёнларнинг мохияти ва йўналганлиги, диққат жараёнлари билан боғлиқлиги.
3. Нутқ ва тафаккур жараёнларининг ижтимоийлиги.
4. Хотира ва хаёл жараёнлари ва улар тарбияси.

Шахснинг билиш жараёнларига сезгилар, идрок, хотира, тафаккур, нутқ, хаёл, диққат киради.

Сезгилар–психик акс эттиришнинг оддий усули тариқасида хайвонларга ҳам, одамларга ҳам хос ҳусусият бўлиб, у воқеликдаги нарса ва ходисаларнинг айрим белги ва ҳусусиятларини билиб олишни таъминлайди. Сезгилар кишига теварак-атрофдаги нарса ва воқеаларнинг ҳусусиятларини билишга имкон беради.

Сезги аъзолари кишига теварак–атрофдаги оламда мўлжал олиш имконини беради. Агар киши барча сезги аъзоларидан махрум бўлиб қолса борми, у ўзининг атрофида нималар юз бераётганини била олмас, теварак–атрофдаги одамлар билан муносабатга кириша олмас, овқатни қидириб топа олмас, хавф-хатардан қутилиб қола олмас эди.

Кишининг ҳаёти ва фаолиятида сезгиларнинг роли жуда катта, негаки, улар бизнинг олам ҳақидаги ва ўзимиз тўғримиздаги билимларимиз манбаи ҳисобланади. Сезгилар бизга объектив воқеликнинг ҳаққоний суратини беради, яъни оламни у қандай мавжуд бўлса шундайлигича акс эттиради. Товушлар, хидлар ва бошқа кузатувчилар кўзга таъсир қилганда кўриш сезгиларини ҳосил қилмайди. Худди шунингдек, нур ва хид ҳам эшитиш кузата олмайди.

Муайян сезги аъзолари учун бир хилдаги қўзғатувчиларни ва унинг учун бир хилда бўлмаган қўзғатувчиларни фарқ қила билиш керак. Сезги аъзоларининг ихтисослашиши–узоқ давом этадиган эволюция маҳсули, сезги аъзоларининг ўзи эса ташқи муҳит таъсирига мослашувчанлик маҳсулидир. Сезги аъзолари организмнинг муҳитга мослашуви жараёнига хизмат қилар экан, улар унинг объектив ҳусусиятларини акс эттирган тақдирдагина ўз функциясини муваффақиятли бажариши мумкин. Шунинг учун ташқи оламнинг ўзига ҳос ҳусусиятлари сезги аъзоларининг ўзига ҳослигини келтириб чиқаргандир. Сезгилар моҳиятига кўра объектив оламнинг субъектив сиймосидир. Сезгилар муайян пайт давомида рецепторга таъсир ўтказаётган қўзғатувчининг ўзига хос қувватини нерв жараёнлари қувватига айланиш натижасида хос бўлади.Сезги аъзолари фақат мослашувчанлик, ижро қилиш функцияларини бажарибгина қолмасдан, балки ахборот олиш жараёнида бевосита иштирок этадиган харакат органлари билан харакатнинг боғлиқлиги ўз–ўзидан равшандир. Ҳар иккала функция қўлда бир–бири билан қўшилган бўлади. Шу билан бирга қўлнинг ижро этиш ва пайпаслаб ушлаш ҳаракатлари ўртасида фарқ борлиги ҳам шубхасиздир. И.П.Павлов қўлнинг пасайиб ушлаш ҳаракатларини ижрочилик хатти–ҳаракатлари эмас, балки хатти–

ҳаракатнинг алохида тури–перцептив хатти–ҳаракатга тааллуқли мўлжалий–тадқиқий реакцияларидир, деб атаган эди.

Сезги нерв системасининг у ёки бу кузатувчидан таъсирланувчи реакциялари тарзида ҳосил бўлади ва ҳар қандай психик ҳодиса каби рефлекторлик ҳусусиятига эгадир. Кузатувчининг ўзига айнан ўхшайдиган анализаторга таъсири натижасида ҳосил бўладиган нерв жараёни сезгининг физиологик негизи хисобланади.

Анализатор уч қисмдан иборат:

1. Ташқи қувватни нерв жараёнига ўтказадиган маҳсус трансформатор ҳисобланган периферик бўлим (рецептор);

2. Анализаторнинг периферик бўлимини марказий анализатор билан боғлайдиган йўлларни очадиган афферент (марказга интилувчи) ва эфферент (марказдан қолувчи) нервлар;

3. Анализаторнинг периферик бўлимлардан келадиган нерв сигналларининг қайта ишланиши содир бўладиган қобиқ ости ва қобиқ (миянинг ўзи билан тугайдиган) бўлимлари.

Анализатор реакцияларида периферик бўлимларининг муайян хужайралари мия қобиғидаги хужайраларнинг айрим қисмларига мос бўлади. Жумладан, кўз турпардасининг турли нуқталари қобиқда ҳар хил нуқталарда ёйилган холда гавдаланган бўлади; эшитиш аъзоси ҳам қобиқда барча сезги органларига ҳам таалуқлидир.

Сунъий кузатиш методлари бўйича ўтказилган кўплаб тажрибалар хозирги пайтда у ёки бу сезги турларининг мия қобиғидаги маълум бир жойда чегараланиб қолишини етарлича аниқ қилиб белгилаш имконини беради. Жумладан, кўриш сезгилари жойлашган қисм, асосан бош мия қобиғининг энса қисмида жойлашгандир. Эшитиш сезгилари мия қобиғи тепа бурмасининг ўрта қисмига жойлашган. Тўйиш–ҳаракат сезгилари мия қобиғи марказий бурмасининг орқа қисмига жойлашган ва х. к.

Сезгининг хосил бўлиши учун ҳамма анализаторлар яхлит бир нарса сифатида ишлаши даркор. Кузатувчининг рецепторга таъсири қўзғалишнинг юз беришига олиб келади. Ана шу қўзғалишнинг бошланиши ташқи қувватнинг рецептор ёрдамида нерв жараёнига айланишидан иборатдир. Бу жараён рецептордан марказга интилувчи нерв орқали анализаторнинг ўзак қисмига қадар етиб боради: қўзғалиш анализаторнинг қобиқдаги хужайраларига бориб етганда организмнинг қўзғатувчи жавоби хосил бўлади. Биз нурни, товушни, таъмни ёхуд бошқа сезгиларни сезамиз. Шундай қилиб, сезги ташқи қўзғалиш энергиясининг онг фактига айланиши демакдир.

Сезги жараёни ташқи таъсирнинг ўзига хос қувватини саралаш ва қайта ўзгартиришга қаратилган ҳамда теварак–атрофдаги оламнинг айнан бир хилда акс этишини таъминлайдиган сенсор таъсир ўтказиш системаси сифатида юз беради.

Акс этиш ҳусусиятига ва рецепторларнинг жойлашган ўрнига қараб сезгилар одатда уч гуруҳга ажратилади:

1) ташқи мухитдаги нарсалар ва ходисаларнинг ҳусусиятларини акс эттирадиган ҳамда тананинг юзасида рецепторлари бўлган экстроцептив сезгилар;

2) тананинг ички аъзоларида ва тўқималарда жойлашган ҳамда ички аъзоларнинг холатини акс эттирадиган рецепторларга эга бўлган интероцептив сезгилар;

3) рецепторлари мушакларда ва пайларда ўрнашган проприоцептив сезгилар, улар гавдамизнинг ҳаракати ва холати ҳақида ахборот бериб туради, бу сезги турини кинестезия деб ҳам, унга тегишли рецепторларни эса кинестезик ёки кинестетик дейилади.

Экстрорецепторларни иккитага: алоқа боғлайдиган контакт ва дистант рецепторларга ажратиш мумкин. Алоқа боғлайдиган рецепторлар уларга таъсир қиладиган объектлар билан бевосита алоқа боғлаган пайтда қўғатади, масалан, баданни тегишли орқали сезиш, таъм билиш. Дистант рецепторлар узоқдаги объектдан келадиган қўзғатишдан таъсирланади, масалан, кўриш, эшитиш, хид билиш рецепторлари шулар жумласидандир.

Хозирги замон фани маълумотларига кўра сезгиларни ташқи (экстрероцепторларга) ва ички (интроцепторларга) бўлиш етарли эмас. Сезгиларнинг баъзи бир турларини ташқи–ички деб ҳисобланса ҳам бўлади, масалан, харорат ва оғриқ, таъм билиш ва тебраниш, мушакбўғим ва статик–ҳаракат сезгилари киради.

Сезгиларнинг ҳар хил турлари фақат ўзига хослиги билан эмас, балки улар умумий бўлган ҳусусиятлар билан ҳам ифодаланади. Сезгиларнинг сифати, узоқ давом этиш ва кўп жойларда юз бериши ана шундай ҳусусиятлар жумласига киради.

Сифат–мазкур сезгининг асосий ҳусусияти бўлиб, уни бошқа сезги турларидан фарқлайди. Жумладан, эшитиш сезгиси паст–баландлиги, майинлиги, кўриш сезгиси бойлиги, ранг–баранглиги билан фарқ қилади ва х. к.

Жадаллиги унинг миқдорини ифода этадиган ҳусусияти бўлиб, таъсир қилаётган қўзғатувчининг кучи ва рецепторнинг функционал холати билан белгиланади.

Давомийлиги унинг вақтинчалик ҳусусияти хисобланади. У ҳам сезги аъзосининг функционал холати бўлиб, асосан кузатувчининг таъсир қилиш вақти ва бу таъсирнинг жадаллиги билан характерланади.

Кишидаги сезгилар ҳақида гапирганимизда адаптация тушунчаси тўғрисида тўхталиб ўтамиз. Адаптация–мослашув бўлиб, сезги органлари сезгирлигининг қўзғатувчи таъсири остида ўзгариши демакдир. Адаптация ходисаси уч хил турда:

1. Қўзғатувчининг узоқ муддат давомида таъсир этиши жараёнида сезгининг тамомила йўқолиб қолишига ўхшайди, масалан, хид билиш сезгилари атроф–мухитга ёқимсиз хид ёйилгандан кейин кўп ўтмай батамом йўқолиб қолиши ҳам оддий ходисадир. Агар тегишли моддани оғизда бир оз вақт сақлаб туриладиган бўлса, таъм билиш сезгисининг жадаллиги сусаяди ва сезги умуман йўқолиб кетиши мумкин.

2. Адаптация деб шунингдек, юқорида баён этилган ходисаларга яқин бўлган, кучли кузатувчининг таъсири остида сезгининг заифлашиб қолиши билан ифодаланади ходисага ҳам айтилади. Масалан, совуқ кузатувчи хосил қиладиган сезгининг жадаллиги қўлни совуқ сувга солганда сусаяди. Киши ярим қоронғи хонадан яққол, ёрқин ёритилган хонага чиққанда, кўз қамашади, теварак–

атрофдаги нарсаларнинг фарқини ажратиш қийин бўлиб қолади, бир оз фурсатдан кейин эса кўриш анализаторининг сезувчанлиги кескин сусайиб, одатдагидек кўра бошлайди ва адаптация ходисаси кечади.

Адаптация бу икки тури негатив адаптация дейилади, негаки, бунда анализаторнинг сезувчанлиги сусаяди.

3. Кучсиз қўзғатувчининг таъсири остида сезгиликнинг ошиши ҳам адаптация дейилади, буни позитив адаптация деб ҳам аталади. Масалан, қоронғи кўп бўлиши натижасида кўз сезувчанлиги ортади. (Граф Монте Кристо мисолида тушунтириш мумкин).

Сезги аъзоларининг сезувчанлигининг ошишига олиб борадиган икки соха мавжуддир: 1) сенсор нуқсонлар (кўрлик, карлик)нинг ўрнини тўлдириш заруратидан келиб чиқадиган сезувчанликнинг ортиши ва 2) субъект фаолияти туфайли касбига хос талаблардан келиб чиқадиган сенсибилизация (сезувчанликнинг ортиши).

Кўриш ёки эшитиш сезгисининг йўқотилганлиги маълум даражада сезувчанликнинг бошқа турларини ривожлантириш ҳисобига тўлдирилади, масалан, кўра олмай қолган кишилар хайкалтарошлик билан шуғулланганлар, чунки уларда туйиш сезгиси юксак ривожланган бўлади. Баъзи маҳсус касб билан узоқ вақт мобайнида шуғулланиш ҳам сезги аъзолари сезувчанлиги кучайиши олиб келганлигини кўриш мумкин, масалан, чой, пишлоқ, вино, тамаки сифатини аниқловчиларда хид ва таъм билиш сезгилари юксак даражада мукаммаллашиб бўлади. (Кинофильм–Нарцисс мисолида тушунтириш мумкин).

Меҳнат фаолияти талаблари таъсири остида сезгилар ривожланиши мисолини биз рассомлар, пўлат қуювчилар, учувчилар скрипкачилар каби касб вакилларининг билиш сезгиларида кузатишимиз мумкин.

Кишининг билиш жараёнларидан бири бу идрокдир. Нарсалар ва ходисаларнинг сезги аъзоларига бевосита таъсир қилиш жараёнида киши онгида акс этишига идрок деб айтилади. Идрок жараёнида алохида холдаги сезгиларнинг тартибига солиниши ҳам нарса ва ходисаларнинг яхлит образларига бирлашуви юз беради. Идрок нарсаларни умуман, унинг ҳамма ҳусусиятлари билан биргаликда акс эттиради, бунда идрок хиссий билишнинг ўзига хос ҳусусиятлари билан сифат жихатдан юқори босқичи сифатида тасаввур қилинади.

Идрокнинг қуйидаги мухим ҳусусиятлари бор: предметлилик яхлитлик, структуралилик, барқарорлик ва англанилганликдан иборат.

Идрокнинг предметлилиги ташқи дунёдан олинадиган ахборот ўша дунёга мансублигида ифода этилади, масалан, ғишт билан портловчи модда боғлами пайпаслаб кўрилганда бир–бирига жуда ҳам ўхшаш бўлиб кўриниши мумкин, лекин уларнинг амалда қай тарзда ишлатилиши билан боғлиқ асосий ҳусусиятлари борки, бунда идрокнинг предметлилиги ёрдам беради.

Идрокнинг яна бир ҳусусияти унинг яхлитлигидир. Сезги аъзоларига таъсир қиладиган нарсанинг айрим ҳусусиятларини акс эттирадиган сезгилардан фарқли ўлароқ, идрок нарсанинг яхлит образи ҳисобланади. Ўз–ўзидан равшанки, бу яхлит образ нарсанинг айрим ҳусусиятлари ва белгилари ҳақида турли хил сезгилар тарзида олинадиган умумлаштириш негизида таркиб топади.

Идрокнинг яхлитлиги ва структуралилиги манбаи бир томондан, акс эттириладиган объектларнинг ўзига хос ҳусусиятларида ва иккинчи томондан, инсоннинг конкрет фаолиятида гавдаланади.

Идрокнинг нарсалар билан қилинадиган фаолият жараёнида шаклланадиган константлиги–киши ҳаёти ва фаолиятининг зарур шартидир. Бусиз инсон чексиз ранг–баранг ва ўзгарувчан оламда мўлжал ола билмасди. Константлик ҳусусияти нарсанинг ва унинг яшаш шароитининг бирлигини акс эттирар экан, теварак–атрофдаги оламнинг нисбатан барқарорлигини таъминлайди.

Кишининг идроки унинг тафаккури билан узвий боғлиқ, нарсани онгли идрок этиш–унга фикран ном бериш, синфга киритиш, уни суз воситасида умумлаштириш демакдир. Идрок субъектнинг бундан олдинги тажрибасига боғлиқ бўлади. Кишининг тажрибаси қанчалик бой бўлса, унинг билимлари қанчалик кўп бўлса, унинг идроки ҳам шунчалик бой бўлади, бунда у шунчалик кўп нарсаларни кўра олади. Идрокнинг мазмуни киши олдига қўйилган вазифа билан ҳам, унинг фаолият сабабалари билан ҳам белгиланади. Субъектнинг установкаси (йўл–йўриғи) идрокнинг мазмунига таъсир қилувчи омил ҳисобланади. Идрок этиш жараёнида идрок мазмунини ўзгартириб юбориши мумкин бўлган хис хаяжонлар ҳам мавжуддир. Бу сабабалрнинг ҳаммаси кишини идрокнинг бошқариш мумкин бўлган фаол жараён эканлигини англатади.

Идрокнинг ушбу турлари мавжуд: кўриш, эшитиш, пайпаслаб кўриш, кинестезлик, хидлаш ва таъм билиш йўли билан идрок қилиш. Шунингдек фазони идрок этиш, вақтни идрок этиш ва харакатни идрок этиш каби турларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Кишининг ўз тажрибасини эсда олиб қолиши, эсда сақлаши ва кейинчалик уни яна эсга тушириши хотира дейилади. Хотирада эсда олиб қолиш, эсда қолиш, эсга тушириш ва унитиш каби асосий жараёнлар алохида ажратиб кўрсатилади, бу жараёнларни ҳар бири алохида мустақил психик ҳусусият ҳисобланмайди, улар фаолият давомида шаклланади ва ўша фаолият билан белгиланади. Хотира атроф–мухитдаги воқеликни бевосита ва билвосита, ихтиёрсиз ва ихтиёрий равишда, пассив ва актив холда, репродуктив тарзда, вербал ва новербал шаклда, механик ва мантиқий йўл билан акс эттирувчи эсда олиб қолиш, эсда сақлаш, қайтадан эсга тушириш, унитиш ҳамда таниш, эслашдан иборат рухий жараён, алохида ва умумийлик намоён қилувчи ижтимоий ходисадир. Хотира барча психик жараёнларнинг энг мухим характеристкаси бўлмиш процесс бўлибгина қолмай, инсон шахсининг бирлиги ва яхлитлигини таъсинлайди. И.М.Сеченов ўз даврида «Агар инсон хотираси бўлмаса, у мангу чақалоқлик холатида қолиб бўлар эди», деган.

Хотира киши фаолиятининг барча жабхаларида иштирок этиши туфайли унинг намоён бўлиш шакллари ранг-барангдир. Шунга кўра учта асосий мезонга мувофиқ хотира турларини келтирамиз: 1) психик фаолликнинг ҳусусиятига кўра: харакат, эмоционал, образли, сўз мантиқли; 2) фаолият мақсадларига кўра: ихтиёрсиз, ихтиёрли; 3) эсда олиб қолиш ва эсда сақлаш муддати, қисқа муддатли, оператив.

Харакат хотираси турлари ишдаги иш харакатларини эсда олиб колиш, эсда саклаш ва яна кайта эсга туширишдан иборат булиб, кишининг абжир, махоратли,

“олтин кулли” эканлигини аломати. Эмоционал хотира хис–туйгуга хос хотира булиб, у кишиларда кучлирок ифодаланган булади: хамдардлик, бошидан кечириш каби. Образ хотираси тасаввурларни, табиат ва хаёт манзаларини, товушларни, хидларни, таъмларни эсда олиб колишдан иборат булиб, бунда куриш, эшитиш, хид билиш, таъм билиш хотиралари куринади.

Суз–мантик хотира мазмунини бизнинг уй–фикрларимиз курсатади. Суз–мантик хотираси таълим жараёнида етакчи роль уйнайди. Бирон нарсани эсда олиб колиш ёки эслаш учун махсус максад булмаган холда эсда олиб колиш ва яна кайта эсга тушириш ихтиёрсиз хотира дейилади. Олдимизга бирон максад куйиб эсда олиб колганимизда ихтиёрий хотира хакида суз боради.

Киска муддатли хотира материалнинг куп марталаб такрорлаш ва кайта эсга туширишлар оркали узок вакт эсда олиб колиниши билан ажралиб турадиган узок муддатли хотирадан фаркли равишда, бир мартагина жуда киска вакт оралигида идрок килиш ва шу захотиёк кайтадан хотирлашдан сунг жуда хам киска мобаёнида эслаб колиш билан белгиланади.

Оператив хотира эса киши томонидан бевосита амалга оширилаётган долзарб харакатлар, ишларга хизмат киладиган жараёнларни англатади.

Хотира жараёнларига эсда олиб колиш, яна кайта эсга тушириш, эсда саклаб колиш ва унитиш киради. Бу жараёнларда хотиранинг фаолият билан алокаси, шунингдек, унинг ходисалари алохида мустакил (мнемик) харакатлар тарзида кечиши куринади.

Эсда олиб колишни хотиранинг янги материални илгари узлаштирган материал билан боглаш оркали эсда саклаб колинишига олиб келадиган жараён булиб, бу индивид тажрибасини янги билим ва хулк–атвор шакллари билан бойитишнинг зарур шартидир. Эсда олиб колиш танланган булади: сезги аъзоларимизнинг таъсир киладиган барча нарсалар хам хотирамизда сакланиб колавермайди. Материалнинг эсда олиб колиниши шахс фаолиятининг сабаблари максадлари ва усуллари билан белгиланади. Фаолиятнинг асосий максадидан урин олган материал унда канчалик мазмунли богланишлар хосил булса, шунчалик тез эсда олиб колинади. Фаол аклий иш олиб боришга ундайдиган материал ихтиёрсиз равишда яхширок эслаб колинади. Шунинг учун бажараётган вазифамиз мазмунига канчалик манфаатдорлик билан муносабатда булсак, ихтиёрсиз эсда олиб колишимиз хам шунчалик унумлирок булади.

Кайта эсга тушириш психиканинг илгари мустахкамланган мазмунини узок муддатли хотирадан чикариб олиш ва уни амалий хотирага утказиш йули билан актуаллаштирилиши содир буладиган хотирлаш жараёни булиб, унинг таниш, хусусан кайта эсга туриши ва эслаш турлари бор.

Хотира жараёнларида индивидуал фарклар эсда олиб колиш тезлигида, аниклигида, мустахкамлигида ва кайта эсга тушириш учун тайёрлигида ифодаланади.

Хаёл инсон ижодий фаолиятининг зарур элементи булиб, мехнатнинг оралик ва охирги махсулотларида уз ифодасини топади, шунингдек проблемали вазият ноаниклик курсатган холларда хулк–атвор программасини тузишни таъминлайди. Хаёлнинг психик жараён сифатидаги мухим вазифаси жуда ахамиятли жихати шундаки у мехнат бошламасдан олдин унинг натижасини тасаввур килиш

имконини беради. Хаёл одамга фаолият жараёнида мехнат махсулотларининг оралик ёки охирги психик моделларини хосил килиш йули билан йул–йурик беради. Хаёл тафаккур билан узвий богланган булиб, келажакни олдиндан куриш имконини беради. Зикр этилаётган хаёл узининг активлиги ва фаоллиги билан характерланади. Айрим холларда хаёл фаолиятнинг урнида булиши ва унда шахс узи хал кила олмайдиган масалалар, огир шароитлардан яшириниш учун реал тасаввурлардан узок булган фантастика оламига вактинча кириб кетади. Хаёлнинг бундай формаси пассив хаёл дейилади. Киши пассив хаёлни олдиндан уйлаб юзага келтириши мумкин, хаётда гавдалантиришга каратилган хаёлнинг образлари ширин хаёллар хам дейилади.

Агар пассив хаёлни олдиндан уйлаб ва уйламасдан килинган турларга булиш мумкин булса, актив хаёлни ижодий ва кайта тикловчи хаёл турларига булиш мумкин. Уз асосида тасвирига мувофик келадиган образлар системасини яратувчи хаёл кайта тикловчи хаёл булса, ижодий хаёл оригинал ва кимматли моддий махсулотларда амалга ошириладиган янги образларнинг яратилишини талаб этади. Купинча хаёл жараёнлари одам амалга оширишни истайдиган тимсоллар шаклига, алохида ички фаолият шаклига кириб боради. Шундай одам келгусида хохлайдиган тимсолларни орзу деб аталади. Демак, шахс тарбиясида хаёл жараёнининг узига хос ахамияти мавжуд булиб, илмий, бадиий ижодга кенг кулланилади.

Билиш жараёни кечишнинг энг мухим хусусияти унинг танлайдиган, йуналтирилган тусдалигидан иборатдир. Теварак–атрофдаги оламнинг куплаб таъсирлари орасида киши хамиша ниманидир идрок этади, ниманидир фараз килади, нима хакидадир фикр юритади уйлайди. Онгнинг бу хоссасини унинг диккат каби тури билан узаро боглик деб хисоблашади. Диккат билиш жараёнларидан фаркли уларок, узининг алохида мазмунига эга эмас, у барча билиш жараёнларининг жушкин жихатидир. Диккат индивиднинг хиссий, аклий ёки харакатлантирувчи фаоллиги даражасининг оширилишини талаб этадиган онгнинг йуналтирилганлиги ва бир нарсага каратилганлигидир.

Диккат сезги, хотира, тафаккур ва харакат жараёнларида намоён булиши мумкин. Шу сабабли диккатни бирор нарсага каратиш объектига боглик холда куйидаги шаклларини ажратиб курсатадилар: сенсор (перцептив), аклий харакатлантирувчи.

Хосил булиш ва амал килиш хусусиятларига кура эса диккатнинг иккита асосий тури мавжуд: ихтиёрсиз ва ихтиёрий. Ихтиёрсиз диккат кишининг англашилган ниятлари ва максадларидан мустасно тарзда хосил булади, ихтиёрий онгли равишда бошкарилаётган ва тартибга солинаётган булади. Ихтиёрий диккат ихтиёрсиз диккат замирида пайдо булади. Ихтиёрсиз диккатнинг пайдо булиши психофизиологик ва психик омиллар билан белгиланади. Кузатувчиларнинг сифати, субъект учун янгилиги ихтиёрсиз диккат пайдо булишидаги асосий шарт хисобланади. Ихтиёрий диккат шахс фаолиятида намоён булади, унинг асосий вазифаси психик жараёнларнинг кечишини фаол бошкариб туришдир. Киши ихтиёрий диккат туфайли хотирадан узи учун зарур маълумотларни фаол тарзда, танлаб ажратиб олишга, мухим ва жиддий нарсаларни алохида ажратиб

курсатишга, тугри каророрлар кабул килишга, фаолият жараёнига пайдо буладиган вазифаларни амалга оширишга лаёкатли булади.

Диккат турлича сифат куринишлари билан таърифланади. Диккатнинг бу куринишларини диккатнинг сифати ёки диккатнинг хусусиятлари дейилади. Диккатнинг баркарорлиги, кучиши, таксимланиши ва кулами шулар жумласига киради.

Диккатнинг баркарорлиги диккат каратилган объектларнинг хусусиятларига ва диккати йуналтирилган шахс фаоллигига боглик. Диккат жалб килинадиган объектнинг узгарувчанлиги, харакатчанлиги диккатни узок вакт мобайнида жалб этишнинг мухим шартларидир. Агар объектнинг узи узгармайдиган булса ва уни турли жихатдан урганиб булмаса, у холда бу объектга узок вакт мобайнида диккатни жалб этиш ута мушкул, чунки бир хиллик диккатни сусайтириб куяди. Объектнинг мураккабланиши ва шахснинг фаоллиги диккатнинг баркарорлигига олиб келади.

Диккатни кучиши субъектнинг бир фаолиятдан иккинчи фаолиятга, бир объектдан иккинчи объектга, бир харакатдан иккинчи харакатга атайлаб утишидан намоён булади. Диккатнинг кучирилишида индивидуал фарклар мавжуд. Баъзи одамлар бир фаолиятни куриб, иккинчисини бажариша олади, бошкалар учун бу анча вакт ва куч –гайрат сарфлашга олиб келади.

Дикктнинг кулами идрок этиладиган объектларнинг хусисиятларига боглик булади. Идрок этилаётган материални мазмунига кура гурухларга ажратиш, системага солиш диккат кулами кенгайишга кура гурухларга ажратиш, системага солиш диккат кулами кенгайиша олиб келади.

Диккатнинг салбий жихати хам мавжуд. Бу паришонхотирликдир. Паришонхотирлик диккатни узок вакт давомида жадал бир нарсага каратишга лаёкатсизликда, диккатнинг тез-тез ва осон булиниб туришида намоён булади. Бундан иш, укиш фаолияти сусайиши келиб чикади. Шунингдек диккатнинг хаддан ташкари харакатчанлиги ва аксинча харакатсизлиги хам кузатилади.

Талабалар уз таълим фаолиятларида диккатларини тарбиялаб боришлари керак, бу уз навбатида укув самарадорлигига олиб келади.

Кишининг бутун хаёти унинг олдига хамиша жиддий ва кечиктириб булмайдиган вазифаларни кучаяди. Атрофдаги оламни тобора чукуррок урганиб боришда психологияда билиш жараёнлари орасида тафаккур мухим уринда туради. Тафаккур жиддий равишда янгиликни кидириш ва очишда ижтимоий жихатдан боглик. Алокадор психик жараёндир, унинг тахлили синтези жараёнида вокеликни бевосита ва умумлаштириб акс эттириш жараёнидир. Тафаккур амалий фаолият асосида хиссий билишлардан пайдо булади ва хиссий билиш чегарасидан анча ташкарига чикиб кетади. Тафаккур сезгилар ва идрок оркали ташки олам билан бевосита богланади ва шу тарзда ташки оламни акс эттиради.

Киши тафаккур жараёнида сезги, идрок ва тасаввур маълумотларидан фойдаланар экан, шунингдек хиссий билиш хам юз беради. Кишининг тафаккур фаолияти учун нутк алохида ахамият касб этади. Бунда инсон психикаси билан хайвон психикаси уртасидаги принципиал фарк намоён булади. Инсон тафаккурини у кандай шаклда амалга оширмасин, тилсиз амалга ошириб булмайди. Хар кандай фикр нутк билан чамбарчас холда пайдо булади ва ривожланади. Фикр

канчалик чукур ва асосли булса, у сузларда, огзаки ва ёзма нуткларда шунчалик аник ва яккол ифодаланади.

Тафаккурнинг тил билан узвий богликлиги инсон тафаккурининг ижтимоий хам мохиятини хам англатади. Кишининг аклий тараккиёти инсониятнинг ижтимоий–тарихий тараккиёти давомида хосил булган билимларни узлаштирилиши жараёнида мукаррар равишда амалга оширилади, индивиднинг олами билан жараёни илмий билимларнинг тарихий тараккиёти билан юзага келган, бевосита ифодаланган, бунинг натижаларини эса хар бир киши таълим олиш давомида узлаштиради, бу уз навбатида тафаккурнинг ижтимоийлигини курсатади.

Тафаккурнинг кургазмали харакат, кургазмали–образли ва мавхум (назарий) турлари мавжуд.

Тафаккурнинг индивидуал хусусиятларига билиш фаолиятининг мустакиллик, эпчиллик, фикр тезлиги сингари сифатлари киради, бу хусусиятлар албатта хаммада хар хил тарзда кузатилади.

Мавзу юзасидан таянч сузлар: рецептор, адаптация, мнемик, кузгатувчи, сезги, идрок, хаёл, хотира, диккат, тафаккур, нутк.

***<u>Мавзу мухокамаси учун семинар машгулотида куйилган саволлар:</u>***

1. Билиш жараёнлари турлари.
2. Сезги ва идрок жараёнлари, уларнинг характеристкалари.
3. Нутк ва тафаккур жараёнларининг ижтимоийлиги.
4. Хотира ва хаёл жараёнларининг узига хос жихатлари, тарбияси.
5. Диккат жараёнининг бошка билиш жараёнлари билан богликлиги.

***Адабиётлар:***

1. Умумий психология:-Т.: Укитувчи, 1992.-512 б.
2. Немов Р.С. Психология. Кн.1.М.: Просвешение.-1994.-576 с.
3. Гозиев Э.Г. Хотира психологияси.-Т.Университет, 1994-46 б.
4. Гамезо М.В., Домашенко И.А. Атлас по психологии. – М.: Просвешение 1986.-272 с.
5. Психология. Учебник.-под ред. Климова.-М., 1998
6. Каримова В.М. “Ижтимоий психология асослари” Т. 2004й.
7. Ғозиев Э. “Шахс психологияси” Т. 2004й.

## *8–мавзу. Ижтимоий муносабатлар психологияси.*
## *Мулокот ва унинг шакллари.*

**Режа:**

1. Инсоний муносабатлар психологияси. Мулокот–психология фаолият сифатида.
2. Мулокотнинг ижтимоий ахамияти, унинг вербал ва новербал воситалари.
3. Мулокот техникаси ва унинг боскичлари.
4. Омма билан ва индивидуал ишлаганда кулланиладиган воситалар.

Мулокот одамлар амалга оширадиган фаолиятлар ичида уринни эгаллаб, у инсондаги энг мухим эхтиёжни–жамиятда яшаш ва узини шахс деб хисоблаш билан ьоглик эхтиёжни кондиради, шунинг учун хам хар бир инсон учун унинг ахамияти катта.

Мулокот одамларнинг биргаликдаги фаолиятлари эхтиёжларидан келиб чикадиган турли фаолликлар мобайнида бир–бирлари билан узаро муносабатларга киришиш жараёнидир, яъни хар бир шахснинг жамиятда адо этадиган ишлари (мехнат, уйин, укиш) узаро муносабатлар ва узаро таъсир шаклларини уз ичига олади. Чунки хар кандай иш одамда бошкалар билан тил топишишини, бир–бирига турли маълумотлар узатишни, фикрлар алмашинуви каби мураккаб хамкорликни талаб килади. Шунинг учун хам хар бир шахснинг жамиятда тутган, урни, ишларининг муваффакиятли, обруси, унинг мулокотга кириша олиш кобилияти билан бевосита богликдир.

Бир карашда осон куринган инсоннинг муносабати аслида мураккаб жараён, инсонларга, улар билан мулокот кила олиш психологиясига одам хаёти мобайнида урганиб боради. Мулокотнинг мураккаб психологик жараён эканлигини Б.П.Паригин сузларидан билиш мумкин: “мулокот шунчали куп киррали жараёнки, унга бир вактнинг узида куйидагилар киради: а) индивидларнинг узаро таъсир жаарёни б) индивидлар уртасидаги ахборот алмашинуви жараёни в) бир шахснинг бошка шахсга муносабати жараёни г) бир шахснинг бошкаларга таъсири жараёни д) бир–бирига хамдардлик билдириш жараёни е) шахсларнинг бир–бирларини тушуниш жараёни”.

Мулокотнинг турли шакллари ва боскичлари мавжуд булиб, дастлабки боскич одамнинг уз–узи билан мулокотидир. Одамнинг уз–узи билан мулокоти аслида уни бошкалар билан мулокотининг характерини ва хажмини белгилайди. Агар одам уз–узи билан мулокот килишни одат килиб олиб, доимо жамиятда узини тортиб юрса, демак, у бошкалар билан сухбатлашишда, тил топишишда жиддий кийинчиликларни бошидан кечиради, дейиш мумкин. Т.Б.Шибутани “агар одам озгина булса хам узини англаса, демак у уз–узига курсатмалар бера олади”, деб езган бу мулокотни биринчи боскичини англатади. Демак, бошкалар билан мулокот мулокотнинг иккинчи боскичидир. А.Н. Леонтев мулоктнинг учинчи боскичи авлодлар уртасидаги мулокотнинг ахамияти тугрисида куйидагича ёзган: “агар барча катта авлод улиб кетганда инсоният тури йук булиб кетмасди, лекин жамиятнинг тараккиёти анча оркага сурилибгина эмас, балки йуколиб хам кетиши мумкин эди”. Хакикатдан хам авлодлар аро мулокотнинг борлиги туфайли хар бир

жамиятнинг уз маданияти, маданий бойликлари, кадриятлари мавжуд буладики, бунинг ахамиятини тушунган инсониятнинг энг илгор вакиллари уни доимо кейинги авлодлар учун саклаб келадилар хамда таълим ва кундалик мулокот жараёнларида авлоддан авлодга узатадилар.

Мулокот мураккаб жараён булганлиги учун хам айрим олинган мулокот шаклини анализ килганимизда, унда хилма хил куринишлар, компонентлар ва кисмлар борлигини аниклашимиз мумкин. Г.М.Андреева мулокотнинг ушбу тузилиши таклиф этади: 1. Мулокотнинг коммуникатив томони, яъни, мулокотга киришувчилар уртасидаги маълумотлар алмашинуви жараёни. 2. Мулокотнинг интер актив томони, яъни, мулокотга киришувчиларнинг хулк–атворларига таъсири жараёни. 3. Мулокотнинг перцептив томони яъни, мулокотга киришувчиларнинг бир–бирларни идрок этишлари ва тушунчалари билан боглик булган мураккаб психологик жараёнидир.

Мулокот инсон хаётида катта ахамиятга эга. Унинг катор функцияларини Б.Ф.Ломов курсатиб берган: “а) маълумотлар алмашинуви функцияси, б) хулк атворни бошкарув, в) хиссиётлар алмашинуви”.

Мулокот ушбу турларга булинади: расмий ва норасмий. Агар расмий мулокот одамларнинг жамиятда бажарадиган расмий вазифалари ва хулк атвор нормаларидан келиб чикса, масалан, рахбарнинг уз кул остида ишлаётган ходимлар билан мулокоти, профессорнинг талаба билан мулокоти ва х.к. Норасмий мулокот бу одамнинг шахсий муносабатларига таянади ва унинг мазмуни уша сухбатдошларнинг фикр уйлари, ният, максадлари ва эмоционал муносабатлари билан белгиланади. Масалан, дустлар сухбати, узок сафарга чиккан йуловчилар сухбати, танаффусда талабаларнинг сухбати. Одамларнинг асл табиатларига мос булгани учун норасмий мулокот доимо одамларнинг хаётида купрок вактини олади ва бунда улар чарчамайдилар. Лекин шуни таъкидлаш керакки, одамда хам ана шундай мулокотга кобилиятлар керак, яъни унинг канчалик сергаплиги, очик куллилиги, тил топишиш кобилияти, узгаларни тушуниши ва бошка шахсий сифатлари кундалик мулокотнинг самарасига бевосита таъсир курсатади.

Мулокот йуналиш ва мавзусига кура куйидаги турларга булинади: а) ижтимоий йуналтирилган, яъни кенг жамоатчиликка каратилган ва жамият манфаатларидан келиб чикадиган мулокот б) гурухдаги предметга йуналтирилган, яъни узаро хамкорликдаги фаолиятини амалга ошириш мобайнида мулокот–мехнат, таълим жараёнидаги ёки конкрет топширикни бажариш жараёнида гурух аъзоларининг мулокоти в) шахсий мулокот, яъни бир шахснинг бошка шахс билан уз муаммоларини очиш максадида урнатган муносабатлари г) педагогик мулокот, яъни педагогик жараёнида иштирок этувчилар уртасида амалга ошириладиган узаро таъсир жараёни.

Бу мулокот турларининг хар бирини уз конун коидалари ва таъсир усуллари бор, уларни билиш хар бир киши учун, айникса одамлар билан мулокотда буладиганларнинг бурчидир. Мулокотнинг коммуникатив томони дейилганда, унинг шахслараро ахборотлар, билимлар, гоялар, фикрлар алмашинуви жараёни сифатидаги вазифалари назарда тутилади. Бу жараённинг асосий воситаси тил булиб, унинг ёрдамида одамлар бир–бирларига маълумотлар етказадилар. Маълумки, алока воситаси нутк икки турли: ёзма ва огзаки булади. Огзаки нутк уз

навбатида диалогик ва сонологик турларга булинади. Диологик нутк нисбатан монологик нутк мураккаброк хисобланади, чунки монологик нуткда бир кишининг бошка кишига ёки кишилар гурухига каратилган мурожаати фикрлрининг мантикан тугаллиги, грамматик конун коидаларига риоя этилганлиги, психологик тузилиши равонлиги билан белгиланиши шартдир. Диалогик нуткда эса мулокот самарали кетиши мулокотга киришган шахсларнинг кизикишларига, максдларига, бир–бирларига булган муносабатларига, карашларига бевосита боглик булади.

Одамлар мулокот жараёнида сузлардан ташкари турли хил харакатлардан, киликлардан, холатлардан, кулгу, мимика ва бошкалардан фойдаланадилар. Киликлар, мимика. Оханглар, тухташлар (пауза), хиссий холатлар, кулгу, йиги, куз карашлар юз ифодалари ва бошкалар узаро мулокотнинг нутксиз воситалари булиб, улар мулокот жараёнини янада кучайтириб, уни тулдиради, баъзан эса нуткли мулокотнинг урнини босади.

Буюк рус ёзувчиси Л.Толстой одамларда 97 хил кулгу ва 85 хил куз карашлар тури борлигини кузатган. Г.М. Андреевнинг ёзишича, одам юз ифодалари, нигохларнинг 2000 га якин куринишлари бор. Айникса, биринчи бор учрашганда кузлар тукнашуви, нигохларнинг роли кейинги мулокотнинг такдирига кучли таъсир курсатиши махсус тадкикотлар жараёнида урганилган. Буларнинг барчаси мулокотнинг хиссий томондан бой, мазмундор булиниши таъминлаб, одамларнинг бир–бирларини тушунишларига ёрдам беради. Мулокотнинг новербал воситаларининг миллий ва худудий хусусиятлари борлигини хам алохида таъкидлаб утмок лозим. Масалан, узбек халкининг мулокот жараёни бой, узаро муносабатларининг бевосита характери унда шундай воситаларнинг купрок ишлатилиши билан боглик. Болаларнинг уз йигиси билан онасига уз хис–кечинмалари хамда хохишларини билдиришлари хам болаларнинг ёш хусусиятларига боглик. Бошка миллатлар маданиятига назар ташланадиган булса, уларда хам баъзи бир мулокот воситаларининг турли миллатларда турли максадларда ишлатилишининг гувохи булиш мумкин. Болгарлар агар бирон нарса буйича фикрни тасдикламокчи булса, бошларини у ёки–бу ёкка чайкашар, инкор килишмокчи булишса, аксинча, бош силташар экан. Маълумки, узбеклар, руслар ва бир катор бошка миллатларда бунинг акси.

Новербал мулокотда сухбатдошларнинг фазовий жойлашувлари хам катта ахамиятга эга. Масалан, аёллар купрок хиссиётларга бой булганликлари асносида, сухбатлашаётганларида бир–бирларига якин туриб гаплашадилар, эркаклар уртасида эса доимо фазовий масофа булди. Олимларнинг аниклашларича, болаларни одатдагидай оркама–орка утказиб кура, уларни юзма–юз утказиб давра килиб укитган маъкул эмиш, чунки бундай шароитда укувчиларда хам жавобгарлик хисси юкорирок булар экан хамда эмоциялар алмашинишгани учун хам гурухдаги психологик вазият ижобий булиб, болаларнинг предмети ва бир–бирларига муносабатлари анча яхши булар экан.

Мулокотнинг иккинчи, интерактив томонида кишиларнинг мулокот жараёнида биргаликдаги фаолиятда бир–бирларига амалий жихатдан бевосита таъсир этишларини таъминлайди. Шу туфайли одамлар хамкорликда ишлаш, бир–бирларига ёрдам бериш, бир–бирларидан урганиш, харакатлар мувофиклигига эришиш каби катор кобилиятларини камоён этишлари мумкин. Шахслараро

муносабатларда мулокот киришувчиларнинг хулк–атвормотивлари ва установкаларини узгартириш имкониятига эга.

Мулокот жараёнида одамлар бир–бирлари билан маълумотлар алмашиб, узаро таъсир этибгина колмай, балки бир–бирларини тугрирок ва аникрок англашга, тушинишга ва идрок этишга харакат киладилар. Мулокотнинг бу перцептив томони шахсий идрок ва тушуниш муаммоси билан богликдир. Биргаликдги фаолият жараёнида шахсларнинг бир–бирларини тушунишлари ва аник идрок килишлари мулокотнинг масалан, самарали булишини таъминлайди. Бунда ушбу психологик конуниятлар яккол намоён булади: рефлексия, идентификация, стереотипизация. Идентификация шундай психологик ходисаки, бунда сухбатдошлар бир–бирларини тугрирок идрок килиш учун узларини бир–бирларининг урнига куйиб куришга харакат киладилар. Яъни, ўзидаги билимлар, тасаввурлар, хислатлар орқали бошқа бировни тушунишга харакат қилиш, ўзини биров билан солиштириш (онгли ва онгсиз) идентификациядир. Масалан, биринчи марта учрашувга кетаёган йигитнинг ички холатини унинг ўртоғи ёки акаси тушуниши мумкин.

Рефлексия мулоқот жараёнида сухбатдошнинг позициясидан туриб, ўзини тасаввур қилишдир, яъни рефлексия, бошқа одамнинг идрокига таалуқли бўлиб, ўзига бировнинг кўзи билан қарашга интилишдир, чунки одам мулоқот жараёнида ўзини аниқ билмаслиги, нотўғри мулоқот формаларини танлаши мумкин.

Стереотипизация одамлар онгида мулоқотлар мобайнида шаклланиб ўрнашиб қолган кўникиб образлардан шаблон сифатида фойдаланиш холларидир. Нотаниш одам билан мулоқотга киришишда у ҳақда берилган бирламчи маълумот катта роль ўйнайди. Масалан, талабаларнинг икки гурухига бир хил портрет кўрсатилиб, биринчи гурухда бу одам йирик олим, иккинчисида эса, бу давлат жиноятчиси деб, унга иккала гуруҳ томонидан ҳам ижтимоий–психологик характеристкаси берилиши сўралади. Кўрсатмалар ҳар хил бўлганлиги сабабли берилган таъсир остида олинган таърифлар ҳар хил бўлган. Биринчи гуруҳдаги талабалар бу одам меҳнаткаш, меҳрибон, шафқатли, ғамҳўр, ақлли бўлса керак, дейишган бўлса, иккинчи гуруҳдагилар уни маккор, бешафқат, қатъиятли деб таърифлашган. Биринчи гуруҳдагилар портретдаги кўзларни доно, мулойим дейишган бўлса, бошқа гуруҳдагилар уларни ёзув, бешафқат деб айтишган.

Демак, ижтимоий перцепция жараёни психологик жихатдан мураккаб бўлиб, унда мулоқотга киришаётган томонларнинг ҳар бири алоҳида ана шу идрокнинг ҳам объекти, ҳам субъекти бўлиб фаолият кўрсатадилар. Идрокнинг объекти сифатида қаралганда шахсда хосил бўладиган “бошқа одам образни”нинг барча сифатлари ва қирралари назарда тутилади. Бундай образ пайдо бўлишига: ўша одамнинг ташқи қиёфаси, унинг кийиниши, ўзини тутиши, хиссий овози, нутқи, қилиқлари, юриши ва х. к. киради. Лекин шу белгилар ичида одам юзи мулоқот мобайнида сухбатдошга энг кўп маълумот берадиган объектдир. Шу сабабдан телефонда сухбатлашгандан кўра юзма–юз сухбатлашиш анча осон ва ахборотларга бойдир.

Одамларнинг бир–бирларини тўғри идрок қилишлари уларнинг хиссий билиш, сезиш соҳасига алоқадор бўлса, бир–бирларини тушунишлари уларнинг тафаккур соҳаларига бевосита таалуқли бўлиб ҳисобланади. Бошқа одамни тўғри тушунган

шахс унинг ҳиссий холатига кира олган ҳисобланади, яъни унда бировларнинг хис кечинмаларини тушуна олиш қобилияти ривожланган бўлади. Юксак онгли, маданиятли, “кўпни кўрган” шахсгина бошқаларни тўғри тушуниши, уларнинг мавқеида тура олиши мумкин.

Мавзу юзасидан таянч сўзлар: коммуникатив томон, интерактив томон, перцептив томон, вербал воситалар, новербал воситалар, индентификация, рефлексия, стереотипизация.

***<u>Мавзу бўйича мутақил ишлаш учун семинар машғулотлар саволлари:</u>***

1. Шахслараро муносабатлар психологияси. Мулоқот – психологик фаолият сифатида.
2. Мулоқотнинг ижтимоий аҳамияти, унинг вербал ва новербал воситалар.
3. Мулоқот техникаси, унинг босқичлари.
4. Омма билан ва индивидуал ишланганда қўлланиладиган воситалар.

***<u>Адабиётлар:</u>***


1. Каримова В.М. Ижтимоий психология асослари.-Т.: Ўқитувчи, 1994-98 б.
2. Мы живем среди людей: Кодексповедения / А-т.-сост. И.В. Дубровина.–М. Политиздат, 1989. – 319 с.
3. Гримак Л.П. Резервы человеческой психики: Введение в психологию активности. – М.: Политиздат, 1989. 383 с.
4. Андреева Г.М. Социальная психология. Учеб. – М.: ЮНИИТИ. 1997.
5. Курбатов В.И. Искуство управлять обшением. – Ростов на Дон 1997, 352 с.
6.Каримова В.М. “Ижтимоий психология асослари” Т. 2004й.
7.Ғозиев Э. “Шахс психологияси” Т. 2004й.

## *9-мавзу. Психологияда ижтимоий таъсир масалалари*

## *Режа:*

1. Шахс ва гуруҳ масаласи, ўзаро муносабатларни ўлчаш муаммоси.
2. Таъсирланиш – оммавий таъсир ходисаси сифатида.
2. Ишонтириш ва унинг воситалари.
3. Тақлид қилиш механизмлари. Тақлид ва эътиқод.

Мулоқот жараёнининг, ҳам гуруҳий жараёнларининг ҳам эгаси субъекти ҳамда объекти аслида алоҳида шахс, конкрет одамдир. Шунинг учун ҳам психологияда шахс муаммосини ўрганишда уни турли ижтимоий жараёнларнинг иштирокчиси ва фаол амалга оширувчиси деган нуқтаи назардан, психологик фаолиятнинг маҳсули, алохида психик жараёнларнинг эгаси деб текширади.

Шахс муаммосига ижтимоий–психологик ёндошишнинг ўзига хослиги шундаки, у турли гуруҳлар билан бўладиган турли шаклдаги ўзаро муносабатларнинг оқибати сифатида қаралган. Яъни, гуруҳ аъзоси ҳисобланган шахс хулқ–атвори қандай қонуниятларга бўйсунишини, шахснинг мулоқотлар системасида олган таъсирлари унинг онгида қандай акс топишини ўрганади. Шунингдек шахсда шаклланаётган фазилатлар ва уларнинг турли типдаги шахсларда намоён бўлишини аниқлаган холда, шахс хулқ–атворини бошқариш механизмларини ишлаб чиқиш психология фанидан асосий вазифалардан ҳисобланади.

Хулоса қилиб аётганда, шахсга социал–психологик ёндошиш уни маълум гуруҳларнинг аъзоси, конкрет шароитида ўзига ўхшаган шахслар билан мулоқотга киришувчи конкрет одам деб тушунишдир.

Ҳар бир шахс ўз фаолиятини турли гуруҳлар шароитида ёки турли гуруҳлар таъсири остида амалга оширади, чунки жамиятда четда қолган ёки инсонлар гуруҳига умуман қўшилмайдиган индивиднинг ўзи йўқ, киши жамиятда яшар экан, у доимо турли инсонлар билан мулоқотда, ўзаро таъсирда бўлади, бу мулоқот жараёнлари эса доимо кишилар гуруҳида рўй беради. Шунинг учун ҳам шахс ва гуруҳ муаммосини қаратаётганда гуруҳни ҳам психологияда ўрганиш асосий муаммолардан ҳисобланади.

Психологик маънода гуруҳ бу умумий белгилар, умумий фаолият, мулоқот ҳамда умумий мақсад асосида бирланган кишилар уюшмасидир. Демак, одамлар гуруҳи ташкил топиши учун умумий нарсалар кўп (ўқув фаолияти, билим олиш, ёшларга хос бирликлар, маълум ўқув юртида таълим олиш истаги ва х.к.). Кўчада бирор тасодифий рўй бергани учун тўпланган кишилар учун ҳам умумий бўлган нарса бор – бу қизиқувчанлик бўлиб ўтган ходисага гувохлик, унга умумий муносабатдир.

Гуруҳни алохида шахслар ташкил этади, лекин ҳар бир гурух психологияси уни ташкил этувчи алохида шахслар психологиясидан фарқ қилади ва ўзига хос қонуниятларига бўйсинади. Айни шу қонуниятларни билиш эса турли типли гуруҳларни бошқариш ва ана шу гуруҳларни ташкил этувчиларни тарбиялашнинг асосий мезонидир.

Гуруҳларнинг турлари кўп, шунинг учун ҳам уларни турли олимлар турлича классификация қиладилар. Г.М.Андреевага кўра гуруҳлар шарли ва реал гуруҳларга бўлинади. Реал гуруҳлар аниқ тадқиқот мақсадларга тўпланган лаборатория типидаги ва табиий гуруҳларга бўлинади. Конкрет фаолият ва одамларнинг табиий эхтиёжлари асосида ташкил бўладиган бундай табиий гурухларнинг ўзи кишиларнинг сонига қараб катта, кичик гуруҳларга бўлинади. Катта гуруҳлар уни ташкил этувчиларнинг мақсадлари, фазовий жойлашишлари, психологик ҳусусиятларига қараб уюшган ва уюшмаган турларга, кичик гуруҳлар эса ўз навбатида энди шаклланаётган – диффуз ҳамда тараққиётнинг юксак поғонасига кўтарила олган жамоа турларига бўлинади.

Катта гуруҳлар кишиларнинг шундай бирлашмаларики, ундаги одамлар сони аввало кўпчиликни ташкил этиб, маълум синфий, илмий, ирқий, профессионал белгилар уларнинг шу гуруҳга мансублигини таъминлайди. Катта гуруҳларни ташкил этувчилар кўп сонли бўлганлиги ва улар хулқ – атворини белгиловчи механизмларнинг ўзига хослигини ҳисобга олиб, ижтимоий психологияда олимлар кўпинча кичик гуруҳларда иш олиб борадилар. Лекин катта гуруҳлар психологиясини билиш жуда катта тарбиявий ва сиёсий–мафкура ахамиятига эга. Шунинг учун ҳам ҳар бир катта гуруҳга таалуқли бўлган асосий, етакчи сифатни топиш ва шу асосда унинг психологиясини ўрганиш хозирча ижтимоий психологиядаги асосий методик йўлланма ҳисобланади. Қолаверса, катта гуруҳлар жамият тараққиёти ва шаклланган гуруҳлар бўлгани учун ҳар қандай гуруҳ психологиясини ўрганишдан олдин унинг ҳаёт тарзи, унга хос бўлган одатлар, удумлар, анъаналар ўрганилади. Яъни у ёки бу гуруҳга таалуқли бўлган кишилар ўртасида амалга оширадиган мулоқот типлар, ўзаро муносабатларда устун бўлган психологик омиллар, қизиқишлар, қадриятлар, эхтиёжлар ва бошқалар назарда тутилади. Ана шуларнинг умумийлиги туфайли ҳар бир шахсда типик хислатлар шаклланади.

Кичик гуруҳлар муаммоси нисбатан тўлиқ ўрганилган бўлиб, ўрганиш асосида уларга хос ушбу қонуниятларни келтириш мумкин. Биринчидан, кичик гуруҳларнинг хажми икки кишидан тортиб то мактаб шароитида 30-40 кишигача деб қабул қилинади. Лекин самарали ўзаро таъсир назарда тутилса, гуруҳ сони 7-2 киши бўлиши керак. Бундай гуруҳ тадқиқотлар учун ҳам, тренинглар учун ҳам қулай бўлади.

Иккинчидан, гуруҳ ўлчами қанчалик катта бўлса, унинг алохида олинган шахслар учун қадрсизланиб бориш хавфи кучаяди. Яъни, шахснинг купчиликдан иборат гуруҳдан ўзини тортиши ва унинг нормаларини бузишга иборат гуруҳдан ўзини тортиши ва унинг нормаларини бузишга мойиллиги ортиб боради.

Учинчидан, гуруҳнинг хажми кичиклашиб борган сари шахслараро ўзаро муносабатлар таранглашиб боради, чунки шахсларнинг бир–бирлари мослашиш маъносини англатади. Бу ходисанинг мохияти шундаки, у индивиднинг гурухда қабул қилинадиган нормалар, фикрлар, хулқ–атвор стандартларини қанчалик қабул қилиш ёки қилмаслик билан боғлиқ. Гуруҳ фикрини қанчалик тез қабул қилиш, унинг таъсирига берилиши индивид билан гуруҳнинг зиддиятларини олдини олиш мумкин. Шунинг учун ҳам индивид ана шундай хатти–ҳаракатлар қилишга интилади. Лекин гуруҳ фикрига қўшилиш уч турли бўлади:

Ташқи конформлилик – индивид гуруҳ фикрига номигагина қўшилади аслида рухан у гуруҳ фикрига қарши туради;

ички конформлилик – индивид гуруҳ фикрига тўлиғича қўшилади ва рухан қабул қилади. Бу холатда индивид билан бошқалар ўртасида зиддиятлар пайдо бўлмайди;

негативизм – индивид ҳар қандай шароитда ҳам гуруҳ фикрига қарши туради. Ўз мустақил фикри ва мавқеини намоёиш этади;

уюшқоқлик – гуруҳ аъзоларининг бир–бирларини яхши билишлари, дунёқараш, ҳаётий принциплари ва қадриятларини яхши англашлари.

Шахс ва гуруҳ муносабатларини ўрганишда қуйидаги жихатларни аниқлаш мухим:

1. Жамоа аъзолари ўртасидаги вертикал ўзаро муносабатларни ўрганиш, яъни рахбарлик масалалари, раҳбарнинг жамоа аъзолари томонидан идрок қилиниши, ҳар бир аъзонинг раҳбарликдан қониқиши ва бошқалар.

2. Жамоа аъзолари ўртасида горизонтал ўзаро муносабатларни ўрганиш, яъни жамоанинг уюшганлигини, шахслараро муносабатларнинг ўзига хослиги, зиддиятлар ва уларнинг типлари, уларни олдини олиш чоралари.

3. Меҳнатга муносабатга муносабат, меҳнатдан жамоа аъзоларининг қанчалик қониқиши ва унинг меҳнат унумдорлигига таъсири, иш мотивлари ва х.к.

## ***Мавзу юзасидан таянч сўзлар:***

Катта гуруҳ, кичик гуруҳ, референт гуруҳ, конформизм, негативизм уюшганлик, динамик жараёнлар.

## ***Адабиётлар:***


1. Каримова В.М. Ижтимоий психология асослари.-Т.: Ўқитувчи, 1994-98 б.
2. Мы живем среди людей: Кодексповедения / А-т.-сост. И.В. Дубровина.–М. Политиздат, 1989. – 319 с.
3. Гримак Л.П. Резервы человеческой психики: Введение в психологию активности. – М.: Политиздат, 1989. 383 с.
4. Андреева Г.М. Социальная психология. Учеб. – М.: ЮНИИТИ. 1997.
5. Курбатов В.И. Искуство управлять обшением. – Ростов на Дон 1997, 352 с.
6. Каримова В.М. “Ижтимоий психология асослари” Т. 2004й.
7. Ғозиев Э. “Шахс психологияси” Т. 2004й.